Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 109 (7. 198) ◉ 1990 йил 15 май, сешанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги рўзномаларда

⊙ СССР Президенти, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 11 май куни Москвада ректорларнинг ҳозирги шароитда таълимнинг ва олий ўқув юртлари ишининг долзарб муаммоларига бағишланган Бутуниттифоқ учрашувида ҳамда пойтахтнинг Фрунзе райони коммунистлари ҳузурида сўзлаган нутқлари эълон қилинган.

⊙ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг редакцияларга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар берилган.

ДЕПУТАТЛАР ЎҚУВИ

КЕЧА Билимлар уйида янги чақириқ, Тошкент шаҳар Совети депутатларининг совет қурилиши тайёрлов факультетидаги олти кунлик ўқуви бошланди. Бу ўқув Тошкент шаҳар Совети президиуми ва «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти томонидан ташкил этилган.

Депутатларнинг мунтазам, режали ва ҳар томонлама ўқуви Советларга ҳокимиятни бериш шарт-шароитларининг ўзига хос бўлган кўп қиррали жиҳатларидан биридир. Ҳозирги пайтда халқ сайлаган кишилар ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий масалаларнинг энг нозик томонларини яхши билишлари жуда ҳам муҳимдир. Ана шу боисдан ўз сайловчиларини фаоллиги ва қатъият кўрсатиши билан ишонтираолган депутатлар ўз олдиларига қўйган вазифаларни бажаришлари, инсон турмушини яхшилаш учун барча ўзгаришларни амалга оширишлари керак. Бунинг учун эса изчиллик ва ягона мақсадга интилишдан ташқари уларга билим ҳам даркор.

Ана шундай билимга чанқоқликни сезган депутатлар ўқиш хоҳишини изҳор этдилар. Буни жуда ҳам тўғри тушуниш керак. Чунки Тошкент шаҳар Совети депутатларининг 71 фоизи биринчи бор сайланган кишилардир. Ана шу боисдан май ойида бўладиган олти кунлик ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Бу нарса депутатларнинг кўпчилигига ўз ҳуқуқ ва бурчларини янада аниқ тасаввур этиб олишга катта ёрдам беради.

Шуни айтиш керакки, бу галги ўқув депутатлар ўртасида мунтазам равишда олиб бориладиган ўқувнинг дебочасидир. Сентябрь ойида марксизм-ленинизм дорилфунунининг совет қурилиши факультетида депутатлар учун махсус машғулотларни бошлаш режалаштирилмоқда.

Тошкент шаҳар Советининг раиси А. И. Фозилбеков Билимлар уйидаги биринчи машғулотни очар экан бу ўқув халқ ишонч билдирган кишиларга ўз сайловчиларининг фаровонлиги йўлида ҳаракат қилишга ёрдам беражаклигини таъкидлаб ўтди. Чунки кўпгина муаммоларнинг пайдо бўлиши ўз имкониятларимиз, ўз ҳуқуқ ва бурчларимизни маълум даражада билмаслигимиз оқибатидир. Ўқув жараёни чоғида тажрибалар алмашинади, турли масалалар юзасидан фикрлашиб олинади.

Ўқувнинг биринчи кунида йиғилганлар ҳузурида Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари А. В. Гончарова сўзга чиқди. У шаҳар халқ депутатлари Совети ва ижроия комитет функциялари, уларнинг тузилиши ва вазифалари ўртасидаги тафовутлар ҳақида тўхталиб ўтди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов Тошкентнинг кечаги куни, бугуни ва эртанги куни, уни ривожлантиришнинг истиқболларига тўхталди. Ўқув дастуридан мутахассислар, олимларнинг, бошқармалар, идора ва маҳкамалар раҳбарларининг чиқишлари, думалоқ стол атрофида учрашувлар ўтказиш, турли масалалар юзасидан кенг фикр алмашиш ҳам ўрин олган.



Уй-жой қурилиши «Оқшом» назоратида

ШАҲРИМИЗДА ЯГОНА



Суратли репортаж



ЧОР атрофи бетон деворлар билан ўралган бу қурилиш майдонида бинокорларнинг иш бошлашганига кўп бўлгани йўқ. Аммо улар қисқа фурсатдаёқ дастлабки туркум ишларини уддалаб улгуришди. Ҳандақнинг ўрнида аввал қурилаётган уйнинг ертўлалари пайдо бўлди. Кейин эса биринчи, иккинчи қаватлар тикланди. Муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур ўзига хос замонавий турар жой иншоотини ишга тушириш аслида келаси йилга мўлжалланган. Аммо қурувчилар шунчалик узоқ муддатда бир гап бўлар деб қўл силтаб ўтиришгани йўқ. Иш вақтидан унумли фойдаланиб суръатни жадаллаштиришга, сифатни таъминлашга эришмоқдалар.

— Ишимиз анча масъулиятли, — дейди 4-трестнинг 19-қурилиш бошқармаси бригадири Акиф Юсифоев.— Биз қураётган уй шаҳримизда ягона. Бу ерда келгусида қариялар, қаровсиз қолган кишилар паноҳ топишади. 8 қаватли 213 ўринли уй, 32 хонадонли бино ва бошқа қатор қулайликларга эга бўлган яна иккита уй уларнинг ихтиёрида бўлади.

Кексалар ва қаровсиз кишиларга мўлжалланган иншоот Юнусобод даҳасининг 19-мавзесида қурилмоқда. Акиф Юсифоев бошлиқ жамоа қурувчилари бу ерда ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиб, ютуқларни бойитиб бормоқдалар. Айни кунларда қурилиш майдонида бўлган киши буни яққол ҳис этади. Зарур қурилиш материаллари бинокорларга вақтида келтириб турилибди. Иш шароитини енгиллаштириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳал этилмоқда. Техниканинг, айниқса минорали краннинг ёрдами бинокорларга доимо асқотаяпти.

— Ҳар бир янги тикланаётган бино бизни ўзига хос синовдан ўтказади, — дейди бригада ғишт терувчиси Галина Ким. — Айниқса, сифатга эътибор кучайган, талаб ортган ҳозирги вақтда ана шу принципга мувофиқ ишни бўшаштирмай олиб бориш жуда муҳим. Шу боисдан ҳам биз ҳар бир жараёнга пухта пойдевор қўяяпмиз.

Ҳа, бинокорлик — шарафли иш. У қурувчидан ҳар бир нарсага эътиборли бўлишин тақозо этади. Айниқса, рўпарангда қад ростлаб турган муҳташам замонавий уйларда ўз меҳнатинг самарасини кўриш қанчалик мароқли. Бригада қурувчилари Тошкентда кўплаб турар жойларни қуришган. Ҳар бир ишга туширилган бино ўнлаб оилаларнинг қувончига қувонч қўшган. Янги турар жой иншоотн ҳам албатта ўз фойдаланувчиларининг муносиб баҳосига эга бўлади. Қурувчилар ана шу хайрли мақсад йўлида самарали ишламоқдалар. Қаватлар ой сайин юксалиб бораяпти.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонида; Галина Ким иш устида; бригадир Акиф Юсифоев (чапдан ўнгга) монтажчи Абдураҳмон Худойқулов ва Георгий Хегай билан.

Т. Каримов суратлари.

Бир корхона янгиликлари

«БАҲОР» ДЕБ АТАШДИ

⊙ **СЕРГЕЛИДАГИ «КОМФОРТ» ошхона мебеллари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ўн иккинчи беш йиллиknинг сўнгги якунловчи йилида кўтаринки руҳда ишламоқда.** Бу ерда маҳсулот турларини ошириш учун ҳар бир имкониятлардан унумли фойдаланиб, аҳолини ошхона мебеллари ва бошқа буюмлар билан таъминлашдек масъулиятли иш амалга оширилмоқда.

Жумладан, кейинги кунларда «Баҳор» ошхона мебеллари термаси харидорлар ҳукмига ҳавола қилинди. 12 буюмдан иборат бўлган «Баҳор» термаси ихчам, эстетик томонлари ҳам таҳсинга лойиқ. У кўп қаватли турар жой бинолари ошхоналарига мўлжалланган бўлиб баҳоси 243 ва 400 сўмни ташкил этади.

Айни кунларда корхонада кунига 100 минг сўмлик турли хил буюмлар чиқарилмоқда.

ШАРҚ МИЛЛИЙ УСЛУБИДА

⊙ **КОРХОНАНИНГ халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш цехида янги поток линия ўрнатилиб, дастлабки намуна маҳсулотини чиқарди.** Бу ерда ошхона жиҳозлари термалари, турли хил катталикдаги қутилар, дон маҳсулотлари, чой, туз сақлаш учун, шунингдек шарқ миллий услубида безатилган ликопчалар тайёрланди. ГДРлик мутахассислар яратган бу поток линия металл буюмлар тайёрлашга ихтисослашган.

БАХТЛИ ХОНАДОН СОҲИБЛАРИ

⊙ **Бирлашма жамоаси 30 хонадонли турар жой биносига эга бўлди.**

Хонадон соҳибларига эгалик рухсатномалари тантана билан топширилди. Қувончлиси шундаки Сергели-4 даҳасида бунёд этилган мазкур бинони корхона жамоаси ўз кучи билан қурди. Бу бахтли хонадон соҳиблари турли миллат вакиллари бўлиб, улардан бештасига имтиёзли рухсатнома берилди.

Д. АЪЛОЕВ.

СУРЪАТНИ ОШИРИБ

● **Республика автокорхоналари энди резина-техника буюмлари тақчиллигидан қийналишмаяпти. «Узремшина» ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари тўрт ойлик планни анча ошиғи билан бажариб, бу мушкулотни бартараф этдилар.**

Бирлашма корхоналарига 73,4 мингта шинани ремонт қилиш топширилган эди, улар 80 мингдан зиёд ғилдиракни янгилаб бердилар.

Тошкентдаги 9-шина ремонт қилиш заводи ишчилари яхши меҳнат қилдилар. Улар деярли юз минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар.

Уларнинг самарқандлик ҳамкасблари ҳам шундай маром билан ишламоқдалар. Улар 37 мингтадан зиёд автомобиль шинасини ремонт қилдилар. Уларни тиклашнинг прогрессив технологияси «автомобиль пойабзали»дан фойдаланиш муддатини анча узайтиради.

(ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ БУЛБУЛИ» ВЕНГРИЯГА БОРАДИ

Ўтказилаётган турли кўриклар ва фестиваллар Ўзбекистон пойтахтида кучли вокал мактаби шаклланаётганидан далолат бермоқда. Куйбишевда ўтган ва бутун Совет Иттифоқидан келган етакчи опера қўшиқчиларини тўплаган бутуниттифоқ саралаш кўриги ҳам Навоий номли театр яккахон хонандаси Муяссар Раззоқовани энг яхши қўшиқчилардан деб топди. Тошкентлик қўшиқчи саралаш кўригининг барча босқичларидан муваффақият билан ўтди ва Венгрияда бўладиган вокалчилар халқаро конкурсига йўлланма олди.

Бу республика маданий турмушидаги катта ютуқ ва йирик воқеадир, — дейди Ўзбекистон Маданият министрлигининг бўлим бошлиғи С. Содиқов. — Муяссарнинг ўзи учун эса бу — унинг ижодида забт этилган янги чўққидир. Ўтган йили Ригада бўлган М. Глинка номли вокалчилар бутуниттифоқ конкурсини эслаш кифоя. Раззоқова бу конкурсдан муваффақият билан ўтган эди.

Меҳр-мурувватнинг аниқ манзилгоҳи

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон пойтахтида ташкил этилган республика меҳр-мурувват маркази ҳозирнинг ўзидаёқ ўн минг кишидан кўпроқ одамни қабул қилди. Бу марказ аниқ бир манзилгоҳга эга бўлганидан буён атиги уч ой вақт ўтди. Кекса ёлғиз кишилар улар ҳузурига шифокор ёки ижтимоий хизмат ходими келиши учун марказга қўнғироқ қилиши кифоя. Марказ Республика Қизил ярим ой жамиятининг маблағи ва ташкилотлар ҳамда гражданларнинг «Наврўз» хайрия узлуксиз телекўрсатуви чоғида қилган хайр-эҳсонлари ҳисобига тузилган.

XXVII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Конференция қатнашчилари КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини амалга ошириш, шаҳар партия ташкилотида қайта қуришнинг бориши тўғрисидаги Тошкент шаҳар партия комитетининг ҳисоботи билан олдиндан танишиб чиқиш имконига эга бўлдилар. Бу ҳисобот конференция бошланишидан бир неча кун олдин уларга тарқатилди. Шунинг учун Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбековнинг қисқача кириш сўзидан сўнг конференция делегатлари ҳисоботни муҳокама қилишга киришдилар. Бир вақтнинг ўзида нутқларда Тошкент шаҳар партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ҳисоботи, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳалари муҳокама қилинди.



Б. С. КАМОЛОВ — Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари.

⊙

— Бугун биз икки йўлдан бирини танлашимиз: ўзимизнинг фаолиятсизлигимиз билан вазиятнинг издан чиқишига ва парокандаликка, ижтимоий ларзаларга хизмат қилишимиз ёки барча соғлом кучларни бирлаштириб, социализмни барча чекинишлардан ва айнишлардан тозалаш, уни демократия ва инсонпарварлик принциплари асосида янгилаш йўлидан олга боришимиз керак. Собир Раҳимов район партия ташкилоти иккинчи йўлнинг тарафдори. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган район партия конференциясида очиқ-ойдин айтилди.

Ҳисобот докладини таҳлил қилар эканмиз, сўнгги вақтларда шаҳарда ижобий силжишлар кўзга ташланаётганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Аммо шу куннинг талаблари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ҳали олдинда жуда кўп ишлар турганлиги кўзга ташланади. Муаммолар шу қадар кўпки, уларни аввалги суръатлар ва усуллар билан ҳал этишнинг мутлақо иложи йўқ.

Биз кўпгина камчиликларимизни ва хатоларимизни турғунлик даври билан изоҳлашга кўникиб қолдик. Унда ҳозирги камчиликларимизнинг сабаби нимада? Илгари бизнинг «касал»имиз нимада эди? Назорат йўқлигида эди. Афсуски, бу «касаллик»ни биз осонгина ўтмишдан бугунги кунга олиб ўтдик.

Мисол учун «Тошкенттикланиш» деб аталувчи трестни олайлик. Унинг ташкил топганига ярим йил бўлди. Шунга қарамай, у ҳозир ҳам кўпроқ қоғозлардагина мавжуд. Трестнинг оёққа туриши тугул, ташкилий шаклланиши ҳам ниҳоясига етказилмаган. Биз ўз районимизнинг эски шаҳар қисмидаги жамики уй-жойларни текширишдан ўтказиб, ким ўз уйини реконструкция қилмоқчи эканлигини, ким унинг ўрнига ер участкасини олиш ниятида эканлигини аниқладик. Бундан буёғи нима бўлди? Ишни бошлаш керак эди, биз эса одамларга бўлажак уйларнинг расмларини ва лойиҳаларинигина кўз-кўз қилаяпмиз.

Шаҳар ижроия комитети Тошкентнинг эски шаҳар қисмини реконструкция қилишнинг аниқ режасига эгами — бу маълум эмас. Агар Ш. Р. Шоабдураҳимов шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси сифатида жумҳурият партия ва ҳукуматининг шу масалага доир қарори бажарилишини қаттиқ назорат остига олмаса, у барбод бўлади. Яна сўз билан иш бирлигига амал қилмаган бўламиз. Бир вақтлар шаҳар ижроия комитети, унинг бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари бир кунни танлаб районларда бўлишар, район муаммоларини ўша ернинг ўзида ҳал қилишар эди. Эҳтимол, ана шу яхши анъанани қайта тиклаш зарурдир.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети шанига танқидий мулоҳазаларни билдириш билан биз бутун масъулиятни асло уларнинг зиммасига юклаб қўймоқчи эмасмиз. Айрим ҳал этилмаган муаммоларда, камчиликларда бизнинг ҳам айбимиз бор. Айрим ҳолларда юқори ташкилотларда масалаларни ҳал этишда биз охиригача принципиал, қатъиятли бўла олмадик. Аммо ўз хатолари ва камчиликларини тан олиш ҳали етарли эмас, амалий ишлар ва аниқ натижалар керак. Уларнинг ечимини одамлар биздан эртага ёки «яқин келажакда» эмас, бугун кутишяпти.

Районда аҳолини уй-жойлар билан, ижтимоий-маданий-маиший объектлар билан таъминлашнинг кўпгина муаммолари бор. Қабул қилинган қарорлар устидан тегишли назорат ўрнатилмаса, аҳвол тобора мураккаблашиб бораверади. Назоратсизликка доир яна бир мисол келтираман. 1988 йилда шаҳар ижроия комитети Собир Раҳимов районида уй-жой ва ижтимоий-маданий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш дастурини қабул қилган эди. Икки йил мобайнида районда 212 минг квадрат метр турар жой қурилиши керак эди. Аслини олганда ўтган йили 12,5 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, бу йил 15 минг квадрат метр уй-жой қурилиши режалаштирилган холос. Бу рақамларни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Нотиқнинг фикрига қараганда, мамлакатимиз учун оғир бир пайтда партия иқтисодий хўжалик, ижтимоий масалаларни ҳал этишдан четда туриши мумкин эмас. Ҳозирги шароитларда «соф» партиявий ишнинг ўзи йўқ. Инсон ҳаёти, унинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан боғлиқ жамики нарсалар — энг жиддий сиёсатдир.

Б. С. Камолов КПССнинг муҳим Ҳаракат дастури билан бир қаторда республика партия ташкилоти ҳам регионни ва республикани ривожлантиришнинг ижтимоий-тарихий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусусиятларини акс эттирувчи ҳамда ҳисобга олувчи ўз дастурига эга бўлиши керак, деган таклифни киритди. Ўзбекистон Компартиясининг дастурига эга бўлган республика коммунистлари ижрочигина эмас, сиёсатнинг ташаббускорлари, ижодкорлари ҳам бўлишарди.



Н. В. ЕФИМОВ — «Средазгазавтоматика» заводи токари.

⊙

— Биз шаҳар партия комитетининг ҳисоботи билан танишиб чиқдик. Амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб ўтирмайман. Шаҳар партия комитети, энг аввало, ижтимоий соҳада нималарни амалга оширишни мўлжаллаётгани ҳақида тўхталаман. Нима учун?

Ўз вақтида, Акмал Икромов райони ташкил топаётган пайтда, унинг ихтиёрига Октябрь ва Чилонзор районларининг ижтимоий жиҳатдан суст ривожланган қисми ўтказилганди. Маблағларни ажратиб, районимизни шаҳарнинг бошқа районлари даражасига кўтарса бўлар эди. Аммо бундай қилингани йўқ. Оқибати нима бўлди? Районимиздаги асосий қурилишлар зилзиладан сўнг олиб борилган, ўшанда кўпроқ уй-жойларнинг сифатига ёки комплекс равишда қурилишига эмас, уй-жойларнинг сонига кўпроқ эътибор беришарди. Бунинг натижасида, орадан маълум муддат ўтганидан сўнг, бизнинг ижтимоий муаммоларимиз ҳал этилиши ўрнига, аксинча ёмонлашиб кетди. Қай даражада, демоқчимисиз? 616 уйнинг учдан икки қисми ҳозир авария ҳолатида десам, буни тасаввур эта оласизми?

Районнинг ижтимоий эҳтиёжларига маблағлар асосан корхоналарнинг ажратмаларидан келиб тушади. Бизнинг районимиз нафақат паст ижтимоий даражаси билан, жуда бўш саноат корхоналари билан ҳам ташкил этилганлиги учун бизда йирик корхоналар йўқ, бу демак ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун маблағлар ҳам йўқ.

Шундай бўлиб қоляптики, бизнинг районимиз «ётоқхона» вазифасини ўтаяпти, 240 минг нафар аҳолисидан жуда камдан-ками районда меҳнат қилади. Бутун бошли бир районга бир кинотеатримиз бор, бирорта ҳам стадионимиз йўқ... Ешлар билан боғлиқ масала, балоғатга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик масаласи кескин бўлиб турибди. Ахир улар нималар билан ҳам шуғулланишсин? Вақтларини қаерларда ўтказишсин? Қандай дам олишсин?

Айни вақтда район ҳудудида шаҳар корхоналарининг анчагина филиаллари бор, аммо улар районнинг ижтимоий эҳтиёжларига маблағларни ажратишмайди. Районимиз меҳнаткашлари ишлаётган корхоналар ўз ходимларининг ижтимоий эҳтиёжлари ҳақида уларнинг иш жойларидагина эмас, истиқомат жойларида ҳам ғамхўрлик қилишлари лозимлиги ҳақида ўйлаб кўрсак бўларди.

Нима учун мен ижтимоий эҳтиёжлар ҳақида гапираяпман? Чунки улар сиёсий курашга бевосита алоқадордир. Турли норасмий уюшмалар ўз фаолиятларида бизнинг ижтимоий камчиликларимизга, бизнинг муаммоларимизга «таянадилар». Ана шу камчиликлар ва муаммолар сабабли сайловларда бутун-бутун уйларнинг аҳолиси овоз беришдан бош тортди.

(Давоми 2 ва 3-бетларда).

⊙ Музокаралар баёни бериляпти.

XXVII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен округ сайлов комиссиясининг раиси бўлган вақтимда ана шундай аҳволга дуч келдим. Шунинг учун, эзгуликнинг кечи йўқ дейишади, аҳволни ўнглаш керак.

Н. В. Ефимов бўлиб ўтган сайловлар хусусида тўхталиб, комсомол сиёсий курашга тайёргарлик кўрмай, уни тўла бой берди, деб таъкидлади. Овозга қўйилган хотин-қизлар, ишчилар кам бўлди. Нохуш таассурот қолдирган шундай ҳоллар ҳам бўлдики, курашни бир-бирига бой берган партия ходимлари ўз «рақиблари» устидан шикоят қилишарди, партиядаги сафдош ўртоқларига ўз эътирозларини билдиришарди. Бунинг ўрнига кучларни бирлаштириш, депутат этиб сайланган ўртоққа ёрдам бериш яхши бўлмасмиди? Нотиқ шундай бир мисолни келтирди. «Мағлубиятга учраган» олти нафар депутатликка номзодга депутат этиб сайланган номзодни қўллаб-қувватловчи гуруҳни ташкил этиш таклиф қилинганди. Бундай гуруҳ бўлажак сайловлар учун депутатликка номзодларнинг яхшигина резерви бўлиши мумкин эди. Бундай имкониятни бой бериб бўлмайди.



Ш. А. АЛИМОВ — Тошкент мотор заводининг директори.

⊙

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг фаол ёрдами туфайли мураккаб тақдирни бошидан кечирган мотор заводи бугунги кунда янгидан дунёга келгандек бўлди ва Тошкентнинг яқинда ташкил топган Бектемир районининг марказларидан ва асосий бўғинларидан бири бўлиб қолди.

Ш. А. Алимов заводнинг нодирлигини, унинг имкониятларини таъкидлаб, кадрлар тўғрисидаги масалани қўйди. Заводда минг-минглаб ишчилар, инженер-техник ходимлар ишлаши керак. Бу — янгича кадрлар бўлмоғи лозим. Масалан, нодир дастгоҳлар учун кўплаб гидравликлар ва электрончилар талаб қилинади. Мутахассислар, ишга жойлаштириш бюроси ва йирик корхоналар билан ҳамкорликда ўтказилган ҳисоб-китобларга қараганда Тошкентда бунча миқдорда гидравликлар ва электрончилар йўқ.

Кадрлар тайёрлаш масаласи заводни янада ривожлантиришнинг марказига қўйилди. Муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тошкент машинасозлик институти билан биргаликда завод базасида ўқув маркази таркиб топмоқда: бу — институтнинг бир неча кафедрасига эга бўлган факультети, техникум, ҳунар-техника билим юрти ва бир неча район мактабларидир. Кадрларни мактаб партасидан бошлаб қуйидаги шаклда тайёрламоқ зарур: мактаб — ҳунар-техника билим юрти — техникум — олий ўқув юрти — бевосита ишлаб чиқариш.

Кадрлар масаласини 25—30 минг кишилик посёлка қурилишисиз ҳал этиш мумкин эмас. Бу посёлкада асосан завод ходимлари истиқомат қилишлари лозим. Посёлка қурилиши 1984—1985 йиллардаёқ кўзда тутилган эди. Уни 1991 йилдан бошлаб бевосита Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси оталиғида қура бошлаш зарур. Бунинг учун барча зарур материал ва маблағларни завод таъминлайди. Ягона керак бўладиган нарса — шаҳар Совети ижроия комитети буюртмачи бўлмоғи керак. У қурилиши билан ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар ҳам қад кўтаради. Булар эса Бектемир районига зарур.

Ҳа, кадрлар заводга сув билан ҳаводек зарур. Ҳозирдаёқ корхона мураккаб маиший техника, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариши мумкин. Ғишт ишлаб чиқариш, дон ва пахта қуритиш бўйича кичик-кичик заводлар ва бошқа механизмлар бунёд этиш юзасидан конструкторлик-технологик ишланмалар бор. Келгуси йилдан бошлаб эса 200 мингтагача болалар велосипедлари ва ВАЗ автомобилларига баъзи бир комплектловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш режалаштириляпти.

Юқорида қайд этиб ўтилган муаммоларнинг ҳаммасини нотиқ фақат хўжалик масалалари деб ҳисобламайди. Ахир бу муаммоларни ҳал этиш айни пайтда иш билан бандлик, замонавий ихтисослар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бозорни моллар билан тўлдириш, яъни заводни тўла қувватда қуриб ишга тушириш масалаларини ҳал этиш сиёсий вазифадир.



Э. Ю. ЮСУПОВ — ТошДУ ректори, СССР халқ депутати.

⊙

— Қайта қуриш бошланганда, яъни бундан беш йил муқаддам улкан вазифалар қўйилганда уларни яқин вақт ичида ҳал этиш вазифаси турарди, аммо бирон-тамиз олдинда оғир ва мураккаб иш турганлигини ўйламаган эдик. Бирон-бир вазифани бажарар эканмиз, албатта қийинчиликларга дуч келамиз. Бу эса ўз навбатида янги вазифаларни ва янги мушкулликларни туғдиради. Ўша пайтда биз билмас эдикки, бутун мамлакатимиз кризис олди аҳволда эмас, балки кризисда экан. Ҳолбуки, қайта қуриш бошланишида бизга фақат айрим регионларгина кризис аҳволида бўлгандек туюлган эди. Шунинг учун ҳам бизнинг зиммамизда жуда катта масъулият ётибди: барча бошланган ишларни амалга ошириш керак, оёқ остидан чиқиб қоладиган воқеаларга тайёр туришимиз лозим.

Бунинг учун эса нотиқнинг фикрича, кўп партиявийлик шароитларида партиявий ишга тайёрланмоқ лозим. Партия — бу якдил фикрлиларнинг уюшмасидир. Унинг атрофида эса унинг иши ҳаққонийлигига ишонганлар, бу ғоялар учун курашга шай турганлар жипслашадилар. Партия ўз вазифаларини ўз сафларида турган кишиларнинг сони билан эмас, балки уюшқоқлиги, жипслиги билан ҳал этади. Айнан ана шундай уюшқоқлик, жипслик, деб ҳисоблайди Э. Ю. Юсупов, ҳозирча КПССда йўқ. Жамоалардаги партия йиғилишида партияга гоҳида танбеҳ бераётган, асоссиз равишда унинг обрўсини тўкишга уринаётган, раҳбарларни ҳақорат қилаётган ва улар шанига ёмон сўзлар айтаётган киши минбарга чиқиб қолса гулдурос қарсак бўлиб кетмоқда. Ахир, ана шу мажлисда коммунистлар ўтиришибдику. Буни қандай тушунмоқ керак? Агар уларнинг партия ғояларининг тўғрилигига ишончлари комил бўлса, партия шаънига ёмон сўзлар айтаётган, партия аъзоси бўлган бундай кишиларни нима учун қўллаб-қувватлашяпти?

Шунинг учун ҳам сиёсий ҳурфикрлилик шароитларида, яъни кўп партиявийлик тобора реал бўлиб қолган бир чоқда партияга тасодифий кишилар керак эмас, бинобарин коммунистлар сонини ўстириш учун кураш ҳам керак эмас: ҳозир энг муҳими — ғоявий чиниқиш, жипсликдир ва партияга ҳудбинлик, амалпарастлик мақсадларида кирган кишиларни ундан қатъий равишда ажратиш лозим.

Бизда ёшлар билан ишлаш бўйича кўпгина муаммолар бор, деб сўзида давом этди нотиқ. Менга ёшлар бу олдинги ёшлар эмас, дейишганда мен бундай хулоса билан келиша олмайман. Биздаги ёшлар «ўша» ёшлар. Аммо биз улар билан ишлашни тўхтатиб қўйганмиз. Ўша ўқитувчилар аудиторияда лекция ўқиш, машғулот ўтказиш билан чегараланиб қолмоқдалар. Аудитория ташқарисида, ётоқхоналарда эса улар кўп ҳолларда ёшларнинг кўз ўнгида шундай қилиқларни қилишадики, бу уларнинг ўқитувчилиги шахсига шубҳа туғдиради.

Бугунги кунда норасмий ташкилотлар оз эмас. Мен норасмий ташкилотларга қарши эмасман: биз билан баҳс қиладиган кишилар керак. Улар шунинг учун ҳам керакки, биз илғамай қолаётган нарсаларни, муаммоларни айтиб туришади. Бундай ташкилотларни ташкил этиш муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Бу мамлакат учун керак, бироқ норасмий ташкилотлар фаолиятидаги ижобий жиҳатларни экстремистик кайфиятлардан фарқ қила билмоқ керак. Ахир бизда бўлиб келганидек диктатура ўрнига баъзан бошқа диктатура — фикр диктатураси пайдо бўлиб қолди: бундайлар учун фақат уларнинг гапини маъқуллаб турадиган кишилар мос тушаяпти, улар фикрини маъқулламайдиганлар эса ёмон одамлар бўлиб қолмоқда. Бундай кишиларда сиёсий маданият етишмаётир ва улар билан баҳслашиш ҳам бефойда — уларга ҳеч нимани исбот ҳам қилолмайсан. Чунки улар оқилона, ақлли фикрларни тушуниш даражасида эмаслар-да. Кўпгина масалалар бўйича уларнинг малакасизлигини, фақат бурнининг тагини кўришини, тараққиётнинг истиқбол йўлларини, яъни узоқни кўра билмасликларини ҳис этасан, киши.

Нотиқ шунга комил ишонч билдириб айтдики, Тошкент шаҳар партия комитетининг янги таркиби мафкуравий ишни, шу жумладан ёшлар билан ишлашни бошқачасига қуради.



Қ. Ф. ФОЗИЛХЎЖАЕВ — Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси.

⊙

— Пойтахтимиз ҳаётида маҳалла ҳамиша ижобий аҳамиятга эга бўлиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Маҳалла ҳаётида ўзбек халқининг ажойиб хислатлари — ҳаққонийлик, софдиллик, самимийлик, тўғрисўзлик, виждонийлик сақланиб қолган. Агар маҳаллада яшаётган оилада бирон кор-ҳол бўлса, дарров раҳм-шафқат қонуни ишга тушиб кетади. Қўни-қўшнилар қараб турмайдилар, дарров ёрдамга келадилар. Маҳалла анъаналари кўп қаватли уйлар қад кўтарган маҳаллада ҳам сақланиб қолмоқда. Бунга мисол қилиб Ҳ. Олимжон, Ойбек номидаги, «Янги Олмазор» маҳаллаларини келтириш мумкин. Маҳаллада ишёқмасларга, ичкиликбозларга, безориларга ва бошқа иллатларга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган оқсоқолларнинг маслаҳатлари билан яхши-яхши ишлар амалга оширилмоқда. Кўпгина муаммолар ҳал этилмоқда. Шу маънода кексалар ёшлар учун бало-қазолардан асраб қолувчи кишилар ҳисобланадилар. Кўп ҳолларда устозлик қиладилар, йигит ва қизларга улар бефарқ қарашмайди, балки ҳамиша уларнинг юриш-туришларидан огоҳ бўладилар, яхши ишларидан қувонадилар, ёмон йўллардан қайтарадилар.

Бугунги кунда маҳаллага кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди. «Маҳалла» дастури аҳоли ўртасида мамнуният билан кутиб олинди. Маҳалла маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тармоғи бўлиб қолди.

Бироқ ҳали қилинмаган ишлар кўп. Қуруқ ваъдалар бераверий кишиларнинг жонига тегди, уларнинг сабр косаси тўлмоқда. Октябрь, Собир Раҳимов, Чилонзор ва Киров районларининг айрим маҳаллаларидаги кишилар қандай яшаётганликларига бир қиё боқилса, уларнинг ёмон шароитларда яшаётганликларига гувоҳ бўлиш мумкин.

Октябрь районидаги «Обод» маҳалласининг ночор аҳволи маҳалла аҳолиси томонидан суратли альбомда акс эттирилди. Мана ўн йилдирки, маҳалла фаоллари маҳалла комитетига лоақал биттагина телефон ўрнатиб бериш юзасидан югуриб юришибди. Аммо у ҳалигача ўрнатиб берилган эмас. Бу ва бошқа маҳаллаларда газ йўқ, кўмирни эса сотиш ташкил этилмаяпти.

Маҳалла аҳолиси олдида архитекторларимиз катта қарздордирлар. Улар янги қурилаётган даҳаларда маҳалланинг анъанавий, оммавий тадбирларини ўтказиш учун алоҳида бино қуришни кўзда тутмаётирлар.

Коммунистлар партия аъзоси деган ном билан фахрланадилар. Бироқ кейинги вақтда улар жанговарлигини йўқотиб қўйдилар, ташаббускорлик кўрсатмаётирлар, қоғозбозлик билан машғул бўлиб, оммадан ажралиб қолганликларини сезмай қолдилар. Бу аҳволни ўзгартириш керак. Район партия комитетлари эса маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотлари тузишни чўзиб юборишяпти. Буни бир ой мобайнида ҳал этиш керак. Кекса коммунистларнинг доноликлари, ҳаётий тажрибалари бебаҳо бойликдир. Улар халқ билан гаплашишни биладилар, ким билан қандай муомала қилишни биладилар. Бу эса мафкуравий ва тарбиявий ишда, аҳолини мураккаб муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Аввалларн ҳукумат маҳаллага эътибор бермайди деб норози бўлар эдик. Эндиликда биз Президентни сайладик. Буни ўзимиз хоҳлаган эдик. Ҳукуматни ҳам ўзимиз халқ депутатлари орқали тасдиқладик. Энди бизнинг бурчимиз бу Президентга, ҳукуматга ёрдам бериш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашдир.

Қ. Ф. Фозилхўжаев Киров районининг номини ўзгартириш тўғрисида, бу районга шу районни ташкил этган ва унга раҳбарлик қилган Собира Холдорова номини беришни таклиф этди.



Г. И. СОБОЛЕВ — Бектемир район партия комитетининг биринчи секретари.

⊙

— Бектемир район партия ташкилоти бундан икки ойча муқаддам шаҳар партия ташкилоти таркибига қўшилди ва биз шаҳар партия комитети, бюроси, секретарлари фаолиятини таҳлил этишимиз, улар ишига баҳо беришимиз мушкулроқ.

Шу билан бир қаторда шаҳар партия комитетининг ҳисобот доклади партиянинг туб моҳияти, унинг ижтимоий муносабатлар системасидаги ўрни ва роли, партия қуйи бўғинлари имкониятлари тўғрисида қайта тафаккур қилиш учун ўй-мулоҳазаларга туртки берди, етилган масалаларни муҳокама қилишга даъват этди, бизнинг олға томон ҳаракатимиз ана шу масалаларга боғлиқдир. Мен бинобарин ана шу масалаларнинг айримларига тўхталиб ўтишни, конференция делегатлари эътиборига Бектемир районининг коммунистлари кайфиятлари ва орзу-умидларини етказишни истардим.

Бугунги кунда партиянинг бошланғич бўғинлари ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ва мустақиллигини кенгайтириш заруратга ишонтириб ўтириш шарт бўлмаса керак. Шунинг учун шаҳар партия комитети, район партия комитетларининг янги таркиби бошланғич партия ташкилотларини умумсиёсий аҳволни тўғри баҳолашга, бутун мамлакатни, республикани тўлқинлантираётган сиёсий савоплларга акс садо беришга ғайрат билан ҳаракат қилиш қобилиятини камол топтириши лозим. Бунинг учун вазиятни, омма кайфиятини яхши билмоқ керак. Худди шундаң иккинчи вазифа келиб чиқади: бошланғич партия ташкилотларини ўзларида асосан «юқорига» (зотан бу муҳим бўлса ҳам) қараб тўн бичишга эмас, балки «қуйига», кишиларнинг манфаатларига қараб иш тутишни ўргатишлари керак.

Сайланган фаоллар билан бошланғич партия ташкилотларининг ўзаро муносабатлари ва узвий алоқалари системасини ишлаб чиқиш зарур. Бизнинг назаримизда районда секретарлар кенгаши, район мунозара клуби ташкил этиш, район партия комитети комиссиялари иш самарадорлигини ошириш ана шундай қадамлардан бири бўлди. Район партия комитети қошида жамоат фикрини ўрганиш хизмати ташкил этилди ва иш олиб бормоқда. Худди шундай хизмат шаҳар партия комитети қошида ҳам бўлмоғи зарур. Вақтинчалик партия гуруҳлари ваколатларини кенгайтириш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Маълумки, бундай гуруҳлар сессияларни, пленумлар, конференциялар, Советларнинг ва жамоат ташкилотларининг съездларини ўтказиш чоғида ташкил этилади. Партия уларнинг фаолиятига коммунистлар орқали: ишонтириш, янги дастурларни илгари суриш ва ҳоказолар бўйича фаол таъсир этмоғи лозим.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида район партия комитетлари ҳуқуқларини кенгайтириш ўйлаб кўрилса бўларди. Улар аппарат тузилишини белгилашда, молиявий масалаларни ҳал этишда мустақил бўлмоқлари, хўжалик фаолияти билан шуғулланиб, ўз маблағларига эга бўлишлари зарур.

Область, шаҳар ва район партия ташкилотлари ўртасида рўй бериб турадиган зиддиятларни ҳал этиш механизмини яратиш керак. Тажриба шуни кўрсатяптики, юқори ташкилот қарорлари ҳамиша ҳам иш учун қулай бўлиб, унга хизмат қилмаяпти. Афсуски қайта қуришгача бўлган даврда эмас, ҳозирги кунда ҳам арзимаган масалалар тўғрисида юқори идораларга чиқишга мажбур бўлинмоқда. Бу эса жойлардаги масъулиятни, ташаббускорликни оширишга ёрдам бермайди. Республика Компартиясидаги мавжуд 4—5 бўғинлик тузилиш бошқарувнинг оғирлашувига, аппаратнинг кенгайиб кетишига олиб келади, ҳужжатлар оқимини камайтиришга имкон бермайди. Шунинг учун биз шаҳар партия комитетининг ҳисоботида баён этилган ана шу масала юзасидан билдирган таклифини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Г. И. Соболев конференция резолюциясида КПССдаги демократик Ҳаракат дастури ва марксча Ҳаракат дастурига сиёсий баҳо бериш тўғрисида таклиф киритди, токи Тошкент шаҳар партия ташкилотидан КПСС XXVIII съездига делегатлар конференция қўллаб-қувватлаган йўлни аниқ амалга оширсинлар.



Ҳ. Ғ. ҚОДИРОВА — Тошкент шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раиси.

⊙

— Мени сўзга чиқишга мажбур этган асосий сабаблардан бири бу маърузада хотин-қизларга тааллуқли муаммоларнинг кўтарилмаганлигидир.

Шаҳарда бундай муаммолар кўп. Агар «Ҳужум» ҳаракати даврида паранжини ташлаш тўғрисида ўйлаган бўлсалар, ҳозирги пайтда бошқа ташвишларимиз, қиладиган ишларимиз кўп. Биринчи навбатда эса оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш керакдир.

Тошкентда истиқомат қилаётган хотин-қизлар ҳамиша эзгу, чиройли, оқила, сабр-тоқатли бўлганлар. Бироқ сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўлади. Шунинг учун хотин-қизларга ва уларнинг муаммоларига кўпроқ эътиборни қаратиш керак. Хотин-қизларнинг аҳамиятини камситиб бўлмайди. Лоақал шунинг учунки, агар оилада тинчлик бўлмаса, бу эса кўп жиҳатдан аёл кишига боғлиқ, унда болалар тарбияси, ўсиб келаётган авлод тарбиясида биз кутган ижобий натижалар тўғрисида гапириш қийин. Бугунги кунда аёлларга жуда қийин. Уларнинг кўпчилиги ёмон шароитларда ишлашади, оғир жисмоний меҳнат билан банд. Ишдан кейин эса онла учун у-бу нарсалар харид қилиш мақсадида навбатларда кутиб қолишга мажбурлар. Кейинчалик эса яна бир «смена» ишлашга мажбурлар: уй ишлари уларнинг елкасида. Бунга яна бир қанча муаммоларни қўшиш мумкин. Бу муаммолар билан ҳар куни шаҳарнинг ҳар бир аҳолиси дуч келмоқда.

Партия ходимлари муаммоларни ҳал этишдан ташқари улар билан тез-тез учрашиб туришлари, муайян ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини олиб боришлари даркор. Аёллар эса аҳоли турар жойларида, айниқса ёшлар билан тарбиявий иш олиб боришда ёрдам беришлари, барчани тўлқинлантираётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишлари мумкин. Масалан, Тошкент хотин-қизлари Мудофаа министри Язовга ўғилларимизнинг армия хизмати юзасидан хат билан мурожаат қилдилар. Бугунги кунда улар армия сафига чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида иш олиб бормоқдалар. Барча районларда чақирилувчилар пунктларида хотин-қизлардан иборат штаблар тузилган. Бу штаблар саломатлиги тўфайли хизматга яроқсиз бўлиб қолган йигитларнинг армияга чақирилмаслиги устидан назорат олиб бормоқда. Ҳолбуки бундай ҳоллар илгарилари бўлиб турган.

Яна бир муаммони кўтаришни истардим. Тошкентда, шундай катта шаҳарда хотин-қизлар тўпланишиб ўз муаммоларини муҳокама қилишадиган, шунчаки ҳордиқ чиқарадиган ёки ўз қизиқишларига қараб бирон нарса билан машғул бўладиган жой йўқ. Ҳолбуки бундай марказлар Наманганда бор, Самарқандда бор, Тошкентда ҳам ташкил этиш вақти келмадимикан?



В. П. ПЛОТНИКОВ—Ҳамза район Совети ижроия комитетининг раиси.

⊙

— Бугунги кунда Советлар ва уларда ишловчи коммунистлар олдида ҳокимият фаолиятини ўз зиммаларига олиш ва бу вазифаларни самарали бажариш вазифаси турибди.

Шаҳар партия комитетининг ҳисоботида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, маҳаллий ўзўзини бошқариш тўғрисида қабул қилинган Қонун Советларнинг мустақиллиги, ҳақиқий давлатчилик бобидаги фаолияти учун жиддий моддий асос бўлди. Умуман бу тўғри.

Шу билан бир қаторда шуни таъкидлаш керакки, таклиф этилган лойиҳада ҳали маҳаллий ҳокимият органларининг доирасига кирадиган нарсалар ва уларнинг ваколатлари чегаралари етарлича аниқ белгилаб берилмаган. Унда маҳаллий Советлар зиммасига юкланган иш ва вазифаларни амалга оширишга ишончли кафолат ҳозирча йўқ.

Сўнгра нотиқ Советлар олдида турган турқум вазифаларни ҳал этиш учун иқтисодий алоқаларни, хўжалик муносабатларини чуқур қайта қуриш зарурлиги тўғрисида ўз фикрларини асослаб берди.

Ҳамза райони томонидан маҳалий Советлар бошқарувини регионал хўжалик ҳисобига ўтказиш тўғрисида бир неча марта таклиф киритилган эди. Биринчи навбатда ҳар йили маҳаллий бюджетни шакллантириш принципининг ўзини, яъни оборот солиғидан маҳаллий бюджетга ажратмаларни 50 фоизгача кўпайтириш, Иттифоққа бўйсинувчи корхоналар бўйича эса тўловлардан ажратмаларни 20 фоизга, республиканики эса 10 фоизгача кўпайтириш, маҳаллий корхоналардан меҳнат ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар ва ажратмаларни 100 фоизга етказишни қонуний тартибда ўзгартириш ҳисобига маҳаллий бюджетнинг йиллик шакллантишини кўпайтириш зарур. Масалан 2005 йилгача «Уй-жой» дастурини ҳал этиш учун корхона ва ташкилотлар ажратадиган маблағлардан ташқари турар жой қурилишига ҳар йили 62 миллион сўм капитал маблағ ажратиш талаб этилади. Ижтимоий, маданий-маиший бинолар қуриш учун эса аҳолини нормадаги даражада таъминлашга эришиш учун миллионлаб сўм ажратиш керак. Маҳаллий бюджетдаги камомад 152 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бу суммада ҳамзаликларнинг нормал яшашлари учун зарур бўлган ҳамма нарса кўзда тутилган. Энди бу пулни қаердан олиш мумкин? Корхона ва ташкилотлар кўнгилли равишда маблағ ажратишяпти, шанбаликлардан тушаётган маблағлар ёрдам бераяпти, аммо муаммолар ҳал этилмасдан қолмоқда...

Бугунги кунда мамлакатни Советлар тимсолида ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлига олган халқгина қутқариши мумкин. Мана шунинг учун ҳам партияда Советлар тўла ҳокимиятини қарор топтириш устида иш олиб боришдан, ишлаб чиқаришда ва аҳоли турар жойларида меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришдан ҳам кўра муҳимроқ вазифа йўқ деб ҳисоблайман.



К. К. БЕГАЛИЕВ—СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

⊙

— Биз сайланган органларда иш олиб боришга қандай муваффақ бўлганлигимиз, шаҳар партия комитети секретарлари ва аппарати, қандай иш олиб боргани ҳақидаги ўй-фикр ва таассуротларим билан ўртоқлашишни истардим. Ишларнинг муҳим йўналишлари бўйича шаҳар партия комитетининг турли комиссиялари тузилганлиги ўз натижаларини берди. Сайланган органларнинг аъзолари фаоллигини оширди. Шу билан бир қаторда шаҳар партия комитетлари секретарларининг олиб борган ишларини олиб кўрадиган бўлсак, улар муайян иш соҳалари ва комиссияларга бошчилик қилдилар, аммо кўп ҳолларда барибир шаҳар партия комитетининг аппаратига таяндилар.

Бугунги кунда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комиссиясининг ишини етарлича эмас деб баҳолаш мумкин. Жумладан, шаҳарда кўпгина муаммолар бир қаторда турли соҳаларда, саноат корхоналарида, қурилиш ташкилотларида хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтиш муносабати билан хўжалик юритишнинг муайян усуллари тўпланди. Зотан шаҳар партия комитетининг комиссияси бу ҳақда маълум қилиши ва уларни ёйиши мумкин эди. Ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш комиссиясининг фаолияти тўғрисида ҳам худди шуни айтиш мумкин. Бу ерда ҳам ижобий жиҳатлар бор эди, уларни ҳам шаҳар партия ташкилотида ёйиш зарур эди.

Янги таркиб топган мафкуравий ишлар комиссияси ўз ишини фаоллаштириши зарур. Бугунги кунда биз норасмий ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда кўпгина муаммоларга дуч келяпмиз. Олдинда эса — кўппартиявийлик системаси турибди. Шаҳар партия комитети бу масалада ўз йўлини аниқ белгилаб олмоғи лозим.

Шаҳар партия комитети томонидан сўнгги вақтда яхши ва керакли қарорлар қабул қилинди. Аммо, афсуски шаҳар партия комитетининг комиссиялари бу вазифаларнинг амалга оширилишини ва уларнинг бажарилишини назорат қилишлари керак бўлсада, ҳамиша ҳам ишни охиригача етказмаётирлар. Буни бизнинг коммунистларимиз ҳам айтишаяпти. Улар қабул қилинган қарорлар охирига етказилмаётганлигини кўриб турибдилар. Шунинг учун қарорларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш механизми зарур ва буни амалга оширишга эришмоқ керак.

Кадрлар ишини такомиллаштириш даркор. Бугунги кунда биз кадрлар билан ишлашнинг эски системасини қулатдик, нима янги нарса бунёд этдик? Шаҳар партия комитети министрликлар ва идоралар билан бошланғич партия ташкилотларининг раҳбарларини тайинлаш чоғида ўзи муносабатларини қандайдир мувофиқлаштириши керак. Кадрлар билан ишлашнинг янги усулларини ва ёндошувларини излаб топмоқ керак.

Қ. К. Бегалиев яна шуни таъкидлаб ўтдики, бошланғич партия ташкилоти партиянинг асоси ҳисобланади деб тан, олиш бугунги кунда етарли эмас. Бошланғич партия ташкилотининг меҳнат жамоасидаги ҳуқуқи ва бурчлари бош вазифасини аниқ-равшан белгиламагунимизча биз партиянинг нуқтан назарини реал ва малакали ҳимоя қилолмаймиз.



А. С. ДАВЛЕТОВА — «Ўзбекистон» кўн бирлашмасининг қирқувчиси.

⊙

— Ҳисобот даврида шаҳар партия комитети ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун талайгина чора-тадбирларни кўрди. Сергели районига ҳам эътибор берилди. Мен ўтган партия конференциясида кўтарган муаммоларнинг бир қисми ҳал этилди: транспорт хизмати нисбатан ривожлантирилди, ўқувчи ўринлари, болалар боғчалари билан таъминлашдаги қолоқликни қисқартиришга муваффақ бўлинди, Аммо белгиланган режаларнинг аксарияти бажарилмаяпти ёки ғоят даражада сусткашлик билан бажарилмоқда. Масалан, Сергели райони аҳолиси шаҳар маъмурларининг куч-ғайрати билан район озиқ-овқат савдо ташкилоти ташкил этилганида, энди кундалик моллар билан таъминланиш яхшиланади, деб қувонган эди. Аммо пештахталар ҳамон ҳувиллаб ётибди...

Ўн учинчи беш йилликда уй-жойларнинг талайгина қисми Сергели районида қурилади. Лекин уй-жойлар билан бир қаторда ижтимоий-маданий-маиший объектлар ҳам керак. Аммо ҳар сафаргидек бунинг учун капитал қурилиш Бош бошқармасининг маблағлари етишмайди. Тошкент шаҳар қурилиши Бош бошқармасининг эса уларни тиклашга қувватлари йўқ. Яна «Уй-жойлар керак!» шиорини эълон қилиб, «қути»ларни фойдаланишга топширишдан сўнг вужудга келувчи муаммолар комплексини кўра билмасликдек бир ёқламаликка дуч келамиз.

Ободонлаштириш, транспорт, инженерлик тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқ талайгина муаммолар бор. Шунинг учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш комиссияси Тошкентнинг ижтимоий муаммолари кескинлигини ҳисобга олиб, ўз ишини фаоллаштириши, биз қабул қилаётган дастурларни ҳал этиши ва уларни коммунистларнинг назорати остида тутиши лозим.

А. С. Давлетова КПСС Устави лойиҳаси хусусида тўхталиб, барча озод қилинган партия ходимлари бошланғич партия ташкилотларида вақтинча эмас, доимий партия ҳисобида турсин ва бевосита коммунистларнинг асосий оммаси билан ишласин, деган ва район партия конференциясида қўллаб-қувватланган таклифни билдирди. Ана шунда партия етакчилари бошланғич партия ташкилотларининг ишларига ўз даҳлдорликларини яхшироқ ҳис этишади.



Ж. Л. ҲАКИМОВ — Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари.

⊙

— Мен партия ва комсомол ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг моҳиятн ва мазмуни ҳақидаги фикрларим билан ўртоқлашишни истардим. «Комсомолга эрк беришмаяпти» ёки «Комсомол мутлақо бўйсунмай қўйди» тарзидаги кўпгина ўзаро майда таъна-дашномлар ўринсиз эканлиги ҳозир аён бўлиб қолди. Ўзаро муносабатларда бундай таъна-дашномларни асосий деб ҳисобламаслик керак эди. Мустаҳкам ва кенг сиёсий муносабатларнинг, айнан партия ва комсомол ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг стратегик аҳамиятини биз бир муича кеч тушуниб қолдик.

Партия бундан илгари комсомол чалинган «касалликларга» кечикиб бўлса ҳам биринкетин чалинаётибди, деб тасдиқлашга журъат этаман. Келинг, сўнгги икки-уч йилдаги вазиятнинг ривожланишини таҳлил қилиб чиқайлик. 1987 йилдаёқ комсомолда ўзининг ҳам ижобий, ҳам салбий ролини ўйнаган турли сиёсийлашган норасмий ташкилотлар ва гуруҳлар, регионлараро сиёсий клублар вужудга кела бошлаган эди. Яқиндагина партия ана шундай даврни бошдан кечирди, партия клубларининг конференцияси унинг энг юқори чўққиси бўлди.

Айнан Литва комсомоли бундан бир ярим йил муқаддам сепаратчилик йўлини тутди. Яна бир йилдан сўнг Литва Компартияси ҳам шундай қадамни қўйди. Айнан комсомолда, ўтган йилнинг бошларида РСФСР комсомолини ташкил этиш масаласи фаол ва жўшқин вужудга келди. Россия партия ташкилотларида ҳам вазият шундай ривожланиб бораяпти. «ВЛКСМнинг демократик фракцияси» ўзини эълон қилганига бир йилдан сал ошди. Ҳозир партияда худди шундай вазият «КПССнинг демократик ҳаракат дастури» билан вужудга келди. Узил-кесил мантиқий хулосалар чиқармоқчи эмасман. Аммо таҳлил буни истамасак ҳам, КПССнинг XXVIII съездида ВЛКСМнинг XXI съездида вужудга келган кўпгина вазиятлар такрорланиши мумкин, бундай вазиятни Ленининнинг энг кучли асарларидан бири «Бир қадам олға, икки қадам орқага» асарининг номи билан изоҳлаш мумкин, деган фикр ўз-ўзидан хаёлга келади...

Сўнгги вақтларда партия ва комсомол ўз ички, айни вақтда бири-бирига ўхшаш қарама-қаршиликларни ва қийинчиликларни енгиб, бир йўналишда, ёнма-ён бораяпти, айрим ҳолларда бир-бирларининг хатоларини такрорлаяпти, айрим ҳолларда диққатга сазовор топилдиқларга дуч келаяпти. Комсомолнинг уюшма ички ҳаётини демократиялашга доир ишланмаларининг кўпчилиги партия ташкилотларининг ҳаётига аста-секин кириб бораётганлигини давр кўрсатмоқда. «Эркин» микрофонлар, муқобил сайловлар, бошланғич ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, молиявий мустақиллик ва бошқа кўпгина бошқа масалалар комсомолда ҳозир мавжуд.

Партия ва комсомол кўпинча бир хил вазифаларни ҳал этишяпти, шунинг учун деб таъкидлади нотиқ, — ғоявий бирликни эълон қилибгина қолмай, улар бир-бирларига авайлаб муносабатда бўлишлари, сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари зарур. Бу — сиёсий ранг-баранглигнинг жўшқин уммонида бу бир-бирини йўқотиб қўймасликнинг ягона воситасидир.

Жаҳон тажрибаси, эндиликда ўз воқелигини ҳар қандай ёшлар ташкилоти партияга таянмаса, у билан уйғун боғлиқ бўлмаса, ундан сиёсий мадад олмаса ва ўз навбатида сиёсий қўллаб-қувватламаса инқирозга маҳкум бўлганидек, бирорта ҳам партия, сиёсий ташкилот ўзининг ёш иттифоқчиларисиз иш кўролмайди, деб ўргатади.

Афсуски, ҳозирча, шу жумладан, шаҳар партия ташкилотида ҳам ана шундай яқинлашиш ўрнига тескари жараён рўй бермоқда, ўзаро бир-бирини тушунмаслик ҳукм сурмоқда. Биз ўзимизни ўтдан сувга урадиган бўлиб қолдик, агар илгари партия комсомолнинг ҳ

XXVII ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

(Охири. Боши 1-2-бетларда).



И. М. ЮНОШЕВ — Октябрь инқилоби номидаги тепловоз ремонти заводининг иссиқлик билан ишлов берувчиси.

⊙

— Бугунги мураккаб шароитда турли норасмий оқимлар ва ташкилотларнинг етакчилари, улар билан бирга айрим оммавий ахборот воситалари аҳолининг қайта қуришнинг дастлабки беш йили натижаларидан маълум даражада қониқмаётганлигидан усталик билан фойдаланиб, партияга қарши бузғунчилик фаолиятини авж олдириб юборишилар. Улар очиқдан-очиқ КПССга бўҳтон тошлишмоқда, унинг бутун тарихини қора бўёқларга бўяб кўрсатишяпти, жамики ёмон нарсаларни партия билан боғлашяпти, гўё ҳамма яхши нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлган.

Бундай вазиятда партия ходимлари, партиянинг раҳбар органлари ва оммавий ахборот воситалари эсанкираб қолишди, улар мудофаага ўтиб олишди, деб ҳисоблаймиз. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Модомики, партия қайта қуришни бошлаб, ўз хатоларини тан олган экан, у ташаббусни қўлдан бермаслиги ва мамлакатни қайта қуриш йўлидан жадалроқ олға бошлаши лозим.

Одамларга рўй бераётган ўзгаришларнинг, қийинчиликларнинг моҳиятини очиқ-ойдинроқ тушунтириш, қайси йўлдан боришимизни равшан кўрсатиш зарур. Бугунги кунда сиёсий вазият тез-тез ўзгариб турган, мамлакат тақдири учун муҳим қонунлар ва қарорлар қабул қилинаётган бир пайтда, омма ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш нақадар муҳимлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бундай ишларнинг олиб борилмаётганлиги, ахборотларнинг етишмаслиги турли-тўман миш-мишларни, хаёлларда эртанги кунга ишончсизликни келтириб чиқаради. Одамлар бугунги кунининг кўпгина масалалари юзасидан коммунистларга, сайланиб қўйиладиган партия органларининг аъзоларига мурожаат этадилар. Уларнинг кўпчилигига ахборотнинг етишмаслиги сабабли жавоб беролмасак, бу бизнинг обрўйимизни оширмайди. Тегишли ахборотларга эга бўлган раҳбарларимиз эса сўнгги вақтларда меҳнат жамоаларида кам бўладиган, одамлар билан кам учарашадиган бўлиб қолишган.

Улар асосан аппаратни қайта тузиш, уни қисқартириш масалалари билан банд. Айтмоқчи, сайланиб қўйиладиган партия органларида кўп йил ишлаганман; район партия комитетининг, шаҳар партия комитетининг аппарати ходимлари билан дуч келишга тўғри келган. Айтиш мумкин, уларнинг аксарияти ҳалол, виждонли, ўз ишига бутун кучи ва вақтини бағишлаётган кишилардир. Уларни айрим ҳолларда матбуотда кўрсатилаётганидек, халқ елкасида ўтирган текинхўрдек тасвирлаш одобдан эмас. Ҳаддидан ошган, ўғирлик қилган, ўз обрўйини тўккан партия ходимларини барча партия ходимлари билан бир сафга қўйиб бўлмайди. Мен шу ерда ўтирган партия ходимларига келинг, аппарат ҳусусида вужудга келган салбий таассуротни биргадикда рад этайлик, деб мурожаат этмоқчиман. Бунинг учун эса халқ орасига бориш, улар билан учрашиш, мулоқотда бўлиш керак. Аппарат ходимлари ҳақида миш-мишлар ва мақолаларга қараб эмас, учрашиб, мулоқотда бўлиб ҳудоса чиқаришсин.

Албатта, партия ташкилотларига раҳбарликда сайлаб қўйиладиган органлар ҳал қилувчи аҳамият касб этиши лозим. Аммо уларнинг муваффақиятли иш олиб бориши учун шаҳар партия комитети ва унинг аппарати ишининг оқилона уйғунлигини топиш керак, акс ҳолда барча эзгу ниятларимиз қоғозда қолиб кетади.



О. Ж. ИСМОИЛОВ — Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари.

⊙

— Бугун кунда ҳаммамизни битта ҳарса — янгиланаётган ижтимоий-сиёсий вазиятда жойларда шаҳар партия комитетининг, шаҳар партия органларининг ўрни ва роли ўйлантирмоқда. Шу муаммо бўйича ўз мулоҳазаларимни айтаман.

Барча районларда партия конференциялари бўлиб ўтди. Чилонзор район конференцияси якунларини холисона баҳолаб шундай фикр айтмоқчиманки, белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги мослашувчанлик ёки ҳозирги дақиқаларга ён босувчилик хусусиятига эга деган бўлур эдим. Шаҳар партия комитетининг ҳисоботида ҳам, қарор лойиҳасида ҳам бўлиб ўтган воқеаларга акс садо сезилиб турибди ва истиқбол ҳамиша ҳам кўриниларди. Демократлаштириш жараёнининг ягона Ҳаракат дастури сифатидаги кучлар жипслашуви билан ҳолисона қўшилиб кетиши истиқболнинг асосий жиҳатларидан бири бўлмоғи лозим. Коммунистларнинг қандайдир умумий нарса учунгина шунчаки жипслашуви эмас, балки ягона мақсад йўлида бирлашган кишиларнинг жипслиги, партия органлари ва халқ депутатлари Советларининг фикр ва ҳаракатлари бирлиги зарур. Бу фикр ва ҳаракатлар партия ички ҳаётидаги сингари шаҳар иҳтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам истиқболга мўлжалланган бўлмоғи керак.

Биз кўп ҳолларда воқеаларнинг орқасида юрамиз. Уларни четдан кузатиб турамиз. Воқеалар бизни шиддаткор қувиб ўтмоқда, партиянинг аввалги раҳбарлик роли билан янги қонунчилик давлати ҳокимияти ўртасида тобора катта тафовут яратяпти ёки воқеалар. Бу тафовутга ҳар қандай ўткинчилар, айрим норасмийлар ва уларга қўшилганлар бош суқмоқдалар. Мана шундай шароитларда конференциянинг асосий вазифаси Советларга ҳокимиятни реал беришнинг аниқ дастурини ишлаб чиқиш бўлмоғи, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг қуйи бўғинлари — меҳнат жамоалари, маҳалла ва квартал комитетлари кенгашларидан тортиб Тошкент шаҳар Советининг депутатлик корпусигача коммунистларнинг нуқтаи назарларини изчил мустаҳкамлаш бўлмоғи керак. Мана шундай шароитларда шаҳар партия комитетининг бош қовуштирувчи сифатидаги роли жуда зарур ва шартдир.

Сўнгра О. Ж. Исмоилов Советларнинг ҳайъатлари ташкил этилиши муносабати билан унинг фикрича кам нарса ўзгарганлигига тўхталиб ўтди. Шу жумладан, Чилонзор районида Совет ҳайъати ва ижроия комитет бир-бирларини такрорлаш ҳолларига дуч келдилар, ҳолбуки ҳайъат қонунчилик, ижроия комитет эса бошқарувчилик органларидир. Районда бугунги шароитларда Совет ҳайъати билан ижроия комитет ҳаракатларида бир-бирини такрорлаш ортиқча нарса деб ҳисобланмоқда. Шунинг учун қонунчилик ва ижроячилик ҳокимиятини бир-бирига қўшиш тўғрисида таклиф киритилмоқда. Яъни бугунги кунда Советлар ҳайъатларидаги сингари ижроия комитетларда ҳам бошқарув аппаратини ташкил этишга зарурат йўқ. Зотан аппарат сони қисқартирилиши керак...

Сўнгра нотиқ шуни таъкидладики, шаҳарда қабул қилинган дастурларнинг кўпчилиги район бўғини даражасида мувофиқлаштирилмаган ва масалаларни ҳал этиш навбати кўзда тутилмаган. Токи ҳар бир район энг оддий тармоқ иҳтимоий схемасига эга бўлмас экан ва бу схемалар Тошкентнинг бош плани техникавий-иқтисодий асослари билан боғланмас экан, барча режалаштирилган нарсалар узуқ-юлуқ ва юзаки бўлиб қолади, иш манфаатларига тўла жавоб беролмайди. Фақат биргина мисол: ҳар йили уй-жой фондининг эскириши ишга туширилган уй-жойлар рақамига тўғри келади. Шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг фаолият марказига айнан ана шу муаммо қўйилмоғи лозим.

О. Ж. Исмоилов шаҳар партия ташкилоти бошқа партия ташкилотлари сингари ўзининг мақомига ва ўз суверенитетига эга бўлмоғи керак, деган таклифни киритди.



Б. Э. ҚОСИМОВ — СССР Ички ишлар вазирлиги Олий инженерлик ўт ўчириш мактаби Тошкент факультетининг бошлиғи.

⊙

— Шаҳар партия комитетининг ҳисоботида шу нарса тўғри таъкидлаб ўтилдики, жиноятчиликнинг, айниқса унинг оғир турларининг, одамлар ҳаётига ва фуқароларнинг шахсий мулкларига тажовуз қилишларнинг ўсиши шаҳар аҳолисида ҳақли суратда тушунмовчилик ва қаҳр-ғазаб уйғотмоқда. Социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини муҳофаза этиш бўйича Тошкент шаҳар Совети депутатлар комиссияси раисининг ўринбосари ҳуқуқида шу масала бўйича бир неча мулоҳазаларни айтиб ўтаман.

Энг аввало бир неча рақам келтираман. Кейинги тўрт йил ичида Тошкентда жиноий қидирув йўли билан қайд этилган жиноятлар сони 28 фоизга кўпайган. Ана шу давр ичида қасддан ўлдириш, шахсий мулкни талон-тарож қилиш, уйларга ўғирликка тушиш, автотранспортларни олиб қочиш, шунингдек кўчалар ва майдонларда, бошқа жамоат жойларида содир этилган жиноятлар сони бир ярим — икки мартага кўпайди. Балоғатга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ортиб бормоқда. Бир вақтнинг ўзида ўтган тўрт йил ичида Тошкентда жиноий жавобгарликка қонунсиз равишда тортилган ва қамалган кишилар сони 236 нафарни ташкил этди. Ўтган йили кассацион ва назорат тартибида шаҳар ва район судларининг 438 ҳукми бекор қилинди.

Бунинг сабабларидан бири шуки, Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси ва собиқ раҳбарияти кейинги тўрт йил ичида кадрлар сиёсатида қўпол бузилишларга йўл қўйди, ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг малакали ўзагини асоссиз қувғин қилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси, прокуратура ва суд сафларини тозалаш ниқоби остида кўп ҳолларда ташаббускор ва қобилиятли ходимлар қувғин қилинди. Айримларига эса жиноий иш тамғалари босилди.

РСФСР, Украина ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг бўш ўринларга юқори органларнинг «сеҳрли қўллари» билан кўп ҳолларда кўтарилишга шундай кишилар юборилдики, уларнинг ишчанлик ва маънавий сифатлари жойларда ҳамиша ҳам яхши ўрганилмаган эди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг давлат-ҳуқуқ бўлимига, республика Ички ишлар вазирлиги ва адлия вазирлигига бошқа ёқлардан келган раҳбарларнинг фаол иштирокида барча қонун ва қоидаларни бузиш ҳисобига навбатдан ташқари унвонлар ҳадя этилди, шинам квартиралар, машина, дала ҳовлилар, давлат мукофотлари бериб юборилаверди.

Б. Э. Қосимов бир неча мисоллар ва аниқ исм-шарифларни айтиб ўтди. (Бироқ таҳририят тегишли расмий ҳужжатларга эга бўлмаганлиги учун бу мисоллар ва исм-шарифларни ошкор қилолмайди).

Раҳбарликни «мустаҳкамлаш» учун юборилган айрим кишилар бугунги кунда ишларни барбод қилганликлари учун вазифаларидан олиб ташланганлар. Ҳозиргадаёқ маҳаллий кадрлар, улар орасида ўзбеклар, руслар, қозоқлар, яҳудийлар, яъни мана шу тупроқда яшаб келган ва яшайдиган барча кишилар ишда ўзларининг ажойиб қобилиятларини намоён қилдилар. Республиканинг, шаҳарнинг янги раҳбарлари шундай кадрларни кўллаб-қувватлаш, моддий-техника таъминоти масалаларини ҳал этиш ва ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг муқбил малакали кадрлар ўзагини ташкил этиш йўлини тутдилар. Буларнинг ҳаммаси ижобий самаралар бермоқда. Масалан, шу йил бошидан буён фақат рэкетчиларнинг 150 гуруҳи қўлга олинди. Ҳолбуки, 1988 йилда бор-йўғи икки киши ушланган эди. Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари иши бракка йўл қўйишлар изчил камайиб бормоқда.

Конференция делегати сифатида Б. Э. Қосимов шаҳар партия ташкилотининг собиқ раҳбарияти йўл қўйган кадрлар билан ишлашдаги хатоларига сиёсий баҳо беришни ва бундай ҳол иккинчи марта такорланмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўришни таклиф этди.



Б. БОЙСАРОВ — Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг қуювчиси.

⊙

— Мени оддий коммунист ва цех партия ташкилотининг секретари сифатида ҳаяжонлантириб келаётган муаммолардан бири хусусида тўхталмоқчиман. Докладда «Билим» жамиятининг лекторлар гуруҳи томонидан 50 мингдан зиёд лекция ўқилди, ягона сиёсий кунлар бўлиб ўтди... дейилган. Бу албатта яхши. Агар мамлакатда кўппартиялили система вужудга келаётган бўлсаю, на район партия комитетида, на шаҳар партия комитетида шу мавзуда бирорта ҳам лекция ва суҳбат ўтказилмаган тақдирда нима қилиш керак?

Шундай ҳоллар бўладики, биз партия ташкилотларининг секретарлари шаҳарда бўлиб ўтган воқеалардан ҳаммадан кейин, миш-мишлардан хабар топамиз. Масалан, шу йил 25 апрелдаги воқеалардан мен 26 апрель куни цехда миш-мишлардан хабар топдим. ЎзТАГ хабари эса «Правда Востока» рўзномасида 28 апрель куни босилиб чиқди. Одамлар келиб мендан нима гап, деб сўрашди, аммо мен уларга жавоб беролмадим. Баҳоланки, мен шаҳар партия комитетининг аъзосиман, одамлар тушунтиришни сўраб биринчи навбатда менга мурожаат қилишади, шунинг учун биз биринчи навбатда хабардор қилинишимиз керак, деб ҳисоблайман.

Оператив ахборотни йўлга қўйиш керак. Район партия комитетида ёки шаҳар партия комитетида махсус телефон ўрнатиб қўйилса, шаҳардаги воқеалар ҳақида энг янги ҳабарларни ана шу телефонга қўнғироқ қилиб билиб олса бўларди.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти хусусида тўхталиб, нотиқ рўзномалар тегишли партия комитетларининг органлари бўлса, улар социализмни қораловчи, Ленинни, тарихимизни ҳеч асоссиз қораловчи мақолаларни босмасликлари керак, деган фикрни билдирди. Ана шундай мақолалардан сўнг одамларга бирон нарсани тушунтириш қийин. «Ахир ўзингизнинг партия рўзномангизда шундай деб ёзилган», дейишади улар.

Б. Бойсаров КПСС янги Уставининг лойиҳасидаги 18 ёшга тўлган СССРнинг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади, дейилган фикр билан рози эмаслигини билдирди. 18 ёшга тўлган, партия Устави ва дастурини эътироф этибгина қолмай, амалий иши билан ўзининг халққа садоқатини исботлаётган, ташкилотлардан бирида ишлаётган, аъзолик бадалларини мунтазам тўловчи СССР фуқароси КПСС аъзоси бўлиши мумкин, деб қайд этиш лозим, деди у.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи коммунистларининг фикрига кўра номзодлик стажини ҳам сақлаб қолиш керак, партия бадаллари коммунистлар даромадининг 1 фоизидан ошмаслиги лозим, йиғилган бадалларнинг камида 60 фоизи бошланғич партия ташкилотида қолиши зарур.



В. В. ФРОШГЕЙЗЕР — «Компрессор» заводининг директори.

⊙

— Шаҳар партия комитети ишида муайян натижаларни бераётган янги кўринишлар ва усуллар пайдо бўлаяпти.

Айни вақтда дадил айтиш мумкинки, мазкур ишда жиддий камчиликлар ҳам бор, уларни бартараф этиш учун янги кўринишларни излаш керак эмас, шунчаки ҳаёт синовидан ўтган ленинча принципларни унутмаслик лозим. Масалан, қарорларнинг ижроси устидан назоратни олайлик. Пленумлардан бирида озиқ-овқат дастурини бажаришга доир масала муҳокама қилинган эди. Бизнинг ташаббусимиз билан жамоамизга совутиш компрессорларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш топширилди. Бу компрессорларсиз озиқ-овқатларни сақлаб бўлмайди.

Пленумдан сўнг шаҳар ва область партия комитетларидан бизга оғзаки ва ёзма топшириқлар ёғилди. Лекин пленум ўтган кун узоқлашгани сайин аҳвол тинчлана бошлади. Бугунги кунда, заводнинг айби билан ушбу масаланинг ечими оро йўлда қолиб кетди, демак яқин беш йилликда совутиш компрессорлари бўлмайди...

Иккинчи мисол. Саноат корхоналарида кадрлар етишмайди. Мутахассисларнинг кооперативларга ўтиши ва республикадан ташқарига кўчиб кетиши муносабати билан бу муаммо янада кескинлашди. Ҳатто меҳнат қилиш ва дам олиш учун яхшигина шароитлари бўлган, кўпгина ижтимоий масалалар ҳал этилган «Компрессор» заводида ҳам шу йилнинг фақат дастлабки уч ойида ишчиларнинг етти фоизи йўқотилди. Агар ана шу суръат йил охиригача сақланиб турса, завод тўхтаб қолади.

Шаҳар партия комитетининг пленумларидан бири кадрларни тайёрлаш, шу жумладан ҳунартехника билим юртлари системасида ишчиларни тайёрлаш масаласини кўриб чиққан эди. Яхшигина қарорлар, атрофлича тадбирлар қабул қилинганди. Афтидан, бунинг ўзи етарли эмас, Аҳвол янада оғирлашиши мумкин...

Кадрлар тобора кўпроқ корхоналар ҳисобига, тайёрланаётганини ҳисобга олиб, кадрларни тайёрловчи ташкилотларнинг, мутахассисининг ўзи йўлланган корхона олдидаги манфаатдорлигини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш керак. Шаҳар партия комитети ижроия комитетлари орқали бу ишга бошчилик қилиши мумкин.

Г. М. ЖАМИЛОВА — «Ёш гвардия» театрининг актрисаси.

⊙

— Худди шу минбардан туриб аввалги шаҳар партия конференциясининг кўпгина қатнашчилари каби ўзбек театрининг келажаги ҳақида ташвиш билан гапирганимга бир йилдан ошди. Шундан бери нималар ўзгарди? Бугун мен минбарга қандай ҳис-туйғулар билан кўтарилдим? Очиғини айтганда, ташвишлар тарқалгани йўқ, аксинча бир неча баробар кучайди.

Бизнинг қандай шароитда яшашимизга бир қаранг. Биз ўзимизни ўтдан сувга ташлаймиз. 70 йил биз ўз маданиятимизни йўқотиб, Европа маданиятига яқинлашишга ҳаракат қилдик. Бу борада айтарлик ютуқларга эришганимиз йўқ, аммо миллий маданиятимизни йўқотишда кўп нарсаларга эришдик. Энди эса бошқа томонга ўзимизни ураяпмиз: миллий маданиятни қайта тиклаш ҳақида баландпарвоз шиорларни эълон қилаяпмизку, баркамол чақалоқ ўрнига, майиб-мажруҳ туғилиши учун ҳамма нарсани қиляпмиз...

Бизда пул ва даромадларни ҳисоблаш расм бўлиб бораяпти. Бу тўғри, буни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Аммо биз ҳисоб-китобларга берилиб кетиб, ҳамма нарсани ҳам пул билан ўлчаб бўлмаслигини, шундай нарсалар борки, уларнинг фойдаси шу жумладан, пул кўринишидаги фойдаси дарҳол кўзга ташланмаслигини, ўнлаб йиллардан сўнг, авлодлар ўзгарганидан сўнг ўз самарасини беришини унутиб қўяяпмиз. Фойдани кўзлаб маблағларни сарфлаш керак бўлган энг қулай тармоқлардан бири — бу ўз халқининг маданиятидир, деб тасдиқлашга журъат этаман.

Буни мен ўйлаб топганим йўқ. Буни жаҳон даги доно кишилар кўпдан билишади. Фақат санъат, маданият, тарбия соҳасидаги қолдиқлик принципига ёпишиб олган бирорта биз нималарни бой бераётганимизни ҳеч тушунолмаяпмиз.

Ҳозирги кунда бизда санъат муассасаларини хўжалик ҳисобига ўтказиш ишлари бормоқда. Бизда шундай театр ва концерт ташкилотлари ҳам борки, унчалик катта ижодий мушкулликсиз ҳам бундай шароитларда ишлашлари мумкин. Аммо кўпчилик жамоалар ё ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўладилар ёки томошабинлар дидига мослашадилар, бу дид эса унчалик талабчан эмаслигини биламиз, чунки бизда дидни тарбияламайдилар, санъатни тушунтирмайдилар.

Иложи борича лоақал биз йўқотган нарсалардан фарзандларимиз ва невараларимиз келгусида баҳраманд бўлиши учун катта молиявий таъсир ўтказиш зарур. Биз неча йиллардан буён болалар боғчаларида болаларни санъат, гўзаллик ичида бўлишлари, уларни маданият доирасида ўсишлари учун ғамхўрлик қилиш ҳақида гапириб келамиз. Бу эса уларни едириб-ичиришдан кўра муҳимроқдир. Мактабларда эстетика дарслари шу пайтгача ўтилмайди. Айниқса у қишлоқ мактабларида жуда зарур. Эстетика дарслари ўтилаётган жойларда эса у кўп ҳолларда юзаки.

Бонг уриш пайти келди!

Ҳозирги пайтда ҳомийлик деган тушунча майдонга келди. Нега СССР халқ депутатлари санъат ва маданият муассасаларига моддий ёрдам кўрсатаётган корхона ва ташкилотлардан олинадиган солиқларни камайтириш тўғрисида таклиф киритмайдилар. Ишончим комилки, бизда миллатнинг маънавий қайта туғилиши учун ҳақиқий жонкуяр кишилар бор, улар бунинг учун маблағларни аямайдилар. Яна шунга ишончим комилки, маданиятга сарфланадиган ҳар қандай харажатлар юз карра бўлиб қайтиб келади, халқ маънавий жиҳатдан соғломлашади.



Н. ТОЖИЕВ — тажриба ишлаб чиқариш автомобиль корхонасининг ҳайдовчиси.

⊙

— Яқин келгусида кўп партиялар бўлади, деб эшитдим. Мен 20 йилдан бери КПСС сафидаман ва шуни айтаманки, коммунистлар партияси энг яхши партиядир, шунинг учун бизни тўғри йўлдан кимдир чалғитишига йўл қўймаслик керак.

Яқинда мен Ленин район партия конференцияси ишида қатнашдим. Район партия ташкилотида партиянинг кекса аъзоларидан КПСС сафидан чиқиш тўғрисида кўплаб аризалар тушди. Эмишки, партия ишончни йўқотган дейишди. Конференцияда мен шундай дедим: «Кексаларнинг дилларида нима ташвиш борлигига қулоқ солмоқ керак ва қарор қабул қилишга шошмаслик лозим».

Нотиқнинг фикрича, сўнгги вақтларда партия ташкилотларига, партия комитетларига тобора кўпроқ иҳтимоий муаммолар тўғрисида мурожаат қилмоқдалар, токи кишилар янада яхшироқ яшасинлар, анъаналар унутиб қўйилмасин. Масалан, кўпчилик шуни айтмоқдаки, «Наврўз» меҳнат жамоаларида ва аҳоли турар жойларида партия ташкилотлари ва коммунистлар иштирокида жуда яхши нишонланди. Ҳамма аҳил, байналмилал оила бўлиб биргаликда нишонлади.

Халқ ғамхўрликни ҳис қилиб турибди ва бу эътиборга мамнун бўлиб жавоб бермоқда. Бироқ бу борада ҳали камчилик ва муаммолар жуда кўп. Мен такси ҳайдовчи сифатида кишилар билан учрашаман ва уларнинг ташвишларидан хабардорман. Партия кишиларга ёрдам бериши, бу ишдан четда қолмаслиги, шаҳар муаммоларини ҳал этадиган раҳбарларни, ижро органларини назорат қилиб туриши лозим. Партия буюк куч, ҳар бир коммунист ўз ортидан партиясизларни эргаштириши мумкин ва лозим. Ана шунда биз барча муаммоларни тезроқ ҳал этамиз.

Н. Тожиев ўз сўзида транспорт йўллари, турар жой, ижтимоий, маданий-маиший бинолар қуриш, айниқса ҚЎЙилиқ турар жой даҳасидаги қурилишнинг аниқ масалаларига тўхталиб ўтди. Бу масала шаҳар ва район ҳокимият органларининг эътибор беришларини талаб қилади.



И. А. КАРИМОВ — Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

⊙

— Бугунги кунда бутун жамиятимиз, Коммунистик партия бурилиш даврини бошидан кечираяпти, деб таъкидлади нотиқ. Шунинг учун умуман бутун республикамиз тақдирингина эмас, партиянинг тақдири ҳам, кўп жиҳатдан мамлакат тақдири ҳам коммунистлар, Тошкент шаҳар партия конференциясининг қатнашчилари қандай нуқтаи назарни эгаллашига, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қандай нуқтаи назарни ишлаб чиқишига боғлиқ.

Бугунги аҳвол жуда оғир: интизом, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг барча соҳаларида масъулият йўқолиб бораяпти, табиийки, бу пировард натижаларга, энг аввало халқимизнинг аҳволига, аҳоли эҳтиёжларининг қондирилишига, умуман халқ фаровонлигига салбий таъсир этмоқда.

— Менинг назаримда, — деб давом этди И. А. Каримов, — бошиданоқ қайта қуришнинг, унинг босқичлари ва пировард мақсадларининг аниқ, пухта ўйланган дастури бўлмаганлиги бунинг бош сабабларидан бири бўлди. Бошқарувнинг, ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг янги системасини олдиндан белгиламай туриб, вужудга келтирмай туриб, бутун эътибор ва куч-ғайратлар мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини йўқотишга қаратилди. Ҳа, маъмурий-буйруқбозлик системаси ўз моҳияти жиҳатидан яроқсиз бўлиб, у иқтисодиётимизни мушкул аҳволга солиб қўйди. Аммо бирор нарсани бузишдан олдин йўл-йўлакай бирор янгиликни яратиш, уни синовдан ўтказиш ва халққа таклиф этиш, шундан кейингина халққа нималарнидир ваъда қилиш лозимлиги ойдек равшан.

Бугун бу ерда қуруқ ваъдалар халқнинг меъдасига тегди, деб жуда тўғри гапиришди. Одамларда ишончни йўқолиб боряпти. Партия обрўйининг тушиб бораётганлиги боиси ҳам кўп жиҳатдан ана шунда. Партия ходимлари, раҳбарлар, конференция делегатлари бу ҳақда бош қотирмасалар, ишонч билан айтишим мумкинки, партиянинг иститоли бўлмайди, бунинг устига кўпгина партия ташкилотларининг фаолияти ҳозирча қайта қуриш вазифаларидан ортда қолмоқда. Оғизда эски усулни рад этиб, ўтмишга танқид ўқларини ёғдириш билан бирга, янгиликларни амалий равишда қўллаб-қувватлаш, қайта қуриш жараёнларининг муқаррарлигига кафолатларни яратиш учун мураккаб ва кўп сонли муаммоларни бевосита ҳал этиш учун аслини олганда ҳеч нарса қилингани йўқ, ҳозир ҳам кам ишлар қилиняпти.

Сўнгра республика Президенти айрим муаммолар хусусида тўхталди. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистоннинг истеъмол моллари ташқарига чиқарилишдан кўра кўпроқ келтирилаётган республика эканлиги таъкидланди. Ўз мол ресурсларининг камомади бугунги кунда қарийб саккиз миллиард сўмни ташкил этади.

Айни вақтда республика территориясида ўз вазифаси бўйича Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегик, устун вазифалари билан ҳам, жумҳурият аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш манфаатлари билан ҳам мутлақо боғлиқ бўлмаган ўнлаб корхоналар вужудга келтирилган ва улар ишлаб турибди. Талайгина корхоналар пировард тайёр маҳсулотларни тайёрламайди, улар ҳом ашё ва минерал ўғитларни дастлабки қайта ишлашга ихтисослашган. Пировард натижада улар аҳолига, республикага амалий фойда бермаяпти, бунинг устига экологияга шикаст етказишяпти, қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаришяпти.

Ижтимоий соҳадаги энг кескин вазифалардан бири — меҳнат ресурсларининг йиллик ўсиши салмоқли, 10 миллион меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар ўн нафаридан бири ижтимоий-фойдали меҳнат билан машғул бўлмаган бир шароитда аҳолини иш билан таъминлаш, унинг моддий даражасини оширишдир. Бугуни кунда республика ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги даражаси ва аҳолининг ижтимоий ҳаёт таъминоти кўрсаткичлари бўйича мамлакатда энг охирги ўринлардан бирида турибди.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишини ижтимоий ва миллатлараро кескинликнинг ўсиб бораётганлиги, жамоат кучларининг бўлиниб кетаётганлиги, ҳуқуқ бузилишларининг сони кўпайиб бораётганлиги чигаллаштириб юбораяпти. Халқ фаровонлиги ҳақидаги сафсаталардан иборат ўз даъватларини партия ташкилотларининг ва Совет ҳокимияти органларининг амалий ишларига қарама-қарши қўйилмаган кимсалар тобора қутуриб танқид қилиш томонга оғиб кетаяпти, ақлидрокка эмас, ҳиссиётларга умид боғлаяпти, ҳокимият учун ошкора кураш олиб бораяпти.

Буларнинг ҳаммаси, деди сўнгра И. А. Каримов, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллий ва маънавий ривожланиш муаммоларининг бутун зиддиятлари, бутун ўткирлиги худди томчида қуёш акс этгандек Тошкентда намоён бўлмоқда, бу ерда ана шу ва бошқа сабаблар туфайли турар жой, озиқ-овқат таъминоти, савдо-маиший, коммунал хизмати, ёшлар муаммолари, ишга жойлаштириш, атроф-муҳит ва бошқа муаммолар ҳар қачонгидан ҳам кўра ўткирроқ бўлиб турибди.

Ана шу барча муаммолар шаҳарда қандай ҳал этилди ва қандай ҳал этилмоқда, шаҳар партия комитети, партия ташкилотлари томонидан нималар қилинди ва нималар амалга оширилмай қолди? — шаҳар партия комитетининг ҳисоботида ва конференцияда сўзга чиққанларнинг сўзларида айтиб ўтилди. Бироқ нотиқ бир қатор принципиал масалаларга тўхталиб ўтишни зарур деб топди. Масалан, шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Тошкент корхоналарининг ва тегишли органлари раҳбарларининг ўзлари ишлаб чиқариш мақсадлари учун малакали маҳаллий кадрлар тайёрлаш билан шуғулланишлари лозим. Мамлакатнинг бошқа регионларидан ва республикаларидан мутахассислар «олиб келишга» умид боғлаб ўтирмасликлари лозим. Тошкентликларни таъминлаш масалаларига тўхталиб, И. А. Каримов шаҳар бозорларини ривожлантириш зарурлигига, уларга деҳқонларни, ўз томорқаларида маҳсулотлар етиштираётган хўжаликларнинг меҳнатчиларини жалб этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш нарх-навонинг пасайишига ёрдам беради. Бундан ташқари яна шу ҳақда ўйлаб кўрмоқ даркорки, масалан бошқа республикаларга чиқарилаётган маҳсулотлар, айтайлик, мевалар, сабзавотлар Ўзбекистонга пул сифатида, арзимаган моллар сифатида «қайтиб келиши» эмас, балки республикага зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа тақчил моллар керак...

Ўзбекистон ССР Президенти ўз нутқида Совет Армияси сафларига ўзбекистонликларни чақириш ва уларнинг хизматига доир кўпчиликни тўлқинлантираётган масалага муфассал тўхталиб ўтди.

— Армияда, унинг айрим қисмларида, бўлинмаларида, шу жумладан қурилиш батальонларида интизом бўшашмоқда, баъзан эса умуман йўқ, деятеганлар фикрига қўшиламан, — деди И. А. Каримов. — Умуман одамларни армияга чақириб, амалда эса уларни қурилишда ишлатишга, ёғоч кесишга, «қора ишлар», яъни умуман ҳақ тўланмайдиган ишлар қилишга мажбур этиш конституцияга зид ҳисобланади.

Шу йилги баҳорги чақирув пайтида Ўзбекистондан ушбу қисмларга 20 мингга яқин йигитни чақириш кўзда тутилган эди. Масала шундаки, бу йигитларни қурилиш қўшинларига бермаслик, агар улар қурилиш батальонларига чақириладиган бўлсалар, ундай ҳолда шу ернинг ўзида, яъни Ўзбекистонда ёки Ўрта Осиёда хизмат қилишсин деймоқда. Бугунги кунда иттифоқ органлари олдига қўйилган бу масала ниҳоят ҳал бўлди, деб аниқ айтиш мумкин. Йигитларимиз агар қурилиш қисмларига хизматга боришадиган бўлишса, у ҳолда Туркистон ҳарбий округида хизмат қиладилар.

Чақирилув масаласи бўйича қўшимча чоралар кўрилди. Барча чақириш комиссияларига республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг жавобгарлиги остида врачлар жалб қилинди. Шахсан министрнинг ўзи врачларни тайинламоқда, улар йигитларни армияга олиш билан шуғулланадилар. Кимда-ким саломатлиги туфайли армия сафида хизмат қилолмаса, у қолдирилиши керак. Биз учун чақирув плани деган тушунчанинг ўзи бўлмаслиги керак. Хизматга камроқ йигитлар чақирилса ҳам майли, лекин бу йигитлар ҳақиқатан ҳам хизмат қила оладиган бўлишсин, касал ёки ногирон бўлишмасин.

Ҳар бир комиссияга яна биттадан депутат ҳам жалб этилган: республика, область Совети, шаҳар Совети, яъни армияга чақириш ҳаммамизнинг умумий ишимиз, токи биз халқ олдида армияга чақирилган ҳар бир йигит учун жавоб бера олишимиз мумкин бўлиши учун ҳамма ишлар қилиняпти.

И. А. Каримов нутқининг катта қисми партия комитетлари, партия ташкилотлари ишига бағишланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съезди ва КПСС Устави лойиҳалари юзасидан КПССни ва Ўзбекистон Компартиясини янада ривожлантириш тўғрисида ўз фикрларини билдирди. Тошкент шаҳар партия комитетига область комитети мақомини бериш таклифи тўғрисидаги масалага тўхталиб, И. А. Каримов шуни айтдики, бу масалага партия XXVIII съездидан кейин албатта қайтилади, унинг шахсий нуқтаи назари эса жуда аниқ: бу масалани ижобий ҳал этиш лозим.

— Бизнинг олдимизда



⊙ ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИДА.

В. Тўраев суратлари.

Оқшом суҳбатлари

ИНСОН ҲАЁТИНИНГ ГУЛ ФАСЛИ

ЁШ АВЛОД тарбияси шу кунниинг энг долзарб масаласи бўлиб турибди. Бу авлоднинг тарбиясида боғча, мактаб ва болалар муассасалари билан бирга, оила ҳам муҳим омил бўлади.

Маълумки, болалик, ёшлик, ўсмирлик — инсон ҳаётининг гул фасллари, камолатга эришиш давридир. Инсон болалик пайтидан у ёки бу ҳулқни ўзига сингдириб ота-онаси, ака-опалари, ўртоқлари, умуман атрофдаги кишилардан маънавий озиқ олади, уларга тақлид қилади, натижада кўпгина одатларни, ҳулқ ва одобни ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Катталар одоби — болалар камоли», деб бежиз айтишмаган.

Фарзандларимизни яхши ҳулқли, одобли ва маданиятли қилиб тарбиялашда уларнинг ёш жиҳатларига, руҳият ва билим тушунчаларига, феъл-атворларига алоҳида диққат қилиш лозим. Болаларга тарбия бераётганда юзаки, шунингдек насиҳат тарзида эмас, уларнинг руҳий дунёси бойишига таъсир этадиган, бу ўргатилган одоблар унинг ҳулқига бир умрга муҳрланиб қоладиган бўлишига эътибор бериш лозим. Шундагина ота-оналар болаларининг қалбини, айни вақтдаги ҳолатини, орзу-истагини, интилишини тўғри тушунишлари мумкин.

Болаларда илк бор ўзларининг жамиятга, инсонларга керакли эканликлари ҳақидаги дастлабки белгиларни уйғота олиш, инсондаги энг бебаҳо интилиш — меҳнат қилишга интилишни қандай қилиб қўллаб-қувватлаш ҳақида ўйлаш ҳар бир ота-она олдидаги энг муҳим масъулиятлардан биридир. Бу оддий гапдай туюлади, лекин унинг туб моҳиятида чуқур руҳий ҳолат ётади.

Баъзи ота-оналар, болага тарбия беришда жуда қаттиққўллик қиладилар ёки ўта эркалатиб юборадилар. Хўш, бунинг қайси бири тарбияда қўл келади? Бу борада В. А. Сухомлинский шундай дейди: «Мен болани қандайдир эҳтиёткорлик билан севиш керак, инсонийлик, зийраклик, эркалатиш, самимийликда қандайдир хавф яширинган деганига қўшила олмайман... фақат инсонпарварлик, эркалатиш, меҳрибонлик орқалигина... ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкинлигига ишончим комил». Ҳақиқатан ҳам, бундай ўйлаб қарайдиган бўлсак хоҳ болагадир, хоҳ каттагадир яхши сўз, эътибор, эркалатиш хуш ёқади. Киши эркалатган одамига кўнглини очиси, дардлашгиси келади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз «Яхши гап — жон озиғи», деб бекорга айтмаган.

Кўпинча ота-оналар фарзандига илтижо қилиб: «Сени бир парча этдан шундай баркамол одам қилиб етказдим, ўзингни доим эҳтиёт қил», дейишади. Чиндан ҳам болани вояга етказиш осон эмас. Болага ёшлик чоғидан таъсир олами қанчалик кучли бўлса, у маънавий камолатга шунча барвақт эришади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг барча билиш фаолиятлари, яъни сезгиси, идроки, хотираси, хаёли шунингдек, нутқ ва тафаккури мактабда ўқиш ва билим асосларини эгаллаш жараёнида кенгайиб, ўсиб боради. Лекин ўсмирлик давридаги руҳияти энг мураккаб ва қийин давр ҳисобланади. Чунки бу давр ўзининг хусусиятлари билан бошқа даврлардан ажралиб туради. Ўсмирда янги ҳис-туйғу, қарама-қарши жинсга нисбатан мойиллик, ишқ ҳақида китоб ўқиш ва кинофильм кўриш, катталар суҳбатини тинглаш ҳолатларининг пайдо бўлиши табиийдир. Шунинг учун ўқитувчилар, ота-оналар ўсмирлар билан олиб борадиган тарбиявий ишларида мазкур давр учун энг муҳим хусусиятларни эътиборга олишлари керак.

Ўсмирларда рўй берадиган ўзгаришлар жуда қисқа муддат оралиғида содир бўлади ва тарбияда қийинчиликларни вужудга келтиради. Катталар таъсирига берилиши қийинлашади, катталар раъйига қарши туриш, ўжарлик қилиш, эътироз ва ишончсизлик билдириш каби одатлар ҳам пайдо бўла бошлайди. Гоҳо ўсмирларнинг «кўча улфатлари» ичида ахлоқан нопок, субутсиз кишилар учраши мумкин. Бундай шахс ўсмирдаги эътиқоднинг барбод бўлишига олиб келади. Ота-она, оиладаги катталар, ўқитувчилар ўсмирни бу йўлдан қайтаришлари, тубан шахсга қўшмаслик чораларини кўришлари керак.

Тарбия ҳақида гапирилганда, у қаерда амалга оширилишидан қатъи назар бола ва ўсмир руҳиятига хос муносабатда бўлмаслик жуда кўп чалкашликларга сабаб бўлади. Келажагимиз воислари фарзандларимизни замонамизнинг етук кишилари қилиб тарбиялашда уларнинг феъл-атвори ва руҳиятини яхши ўрганиш, тўғри муносабатда бўлиш, яна энг муҳими, биз катталар, ота-оналар яхши фазилатларимиз билан уларга ибрат намунасини кўрсатишимиз керак.

Малика ИНОМОВА,
педагогика фанлари номзоди.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 17 майда чиқади.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Уйғур кўчаси бўйлаб Ҳалқа йўлдан Ильич кўчасигача бўлган участкада водопровод қувурлари қайта ётқизилиши муносабати билан йўлнинг машина юрадиган қисми

15 МАЙДАН БОШЛАБ

30 КУНГА ҚИСМАН ЁПИЛАДИ

Йўлнинг қисман ёпилиш вақтида 53, 79, 114, 163, 185, 189, 190-йўналишлардаги автобуслар ҳаракати Уйғур кўчасидан бошлаб Тўқимачи, Зиё Саид кўчалари, Ҳалқа йўли бўйлаб ва у ёғига ўз йўналиши бўйича ташкил этилади. Орқага қайтишда Ҳалқа йўлдан Уйғур кўчасидаги ҳаракати сақланган ҳолда Тўқимачи кўчаси томон ҳаракатланилади.

33-йўналишдаги автобус ҳаракати Бирлик даҳасидан бошлаб Маҳзуна кўчаси, Ҳалқа йўл бўйлаб бир йўналишда ташкил этилади.

Исакян кўчасида водопровод қувури ётқизилиши муносабати билан 15 МАЙДАН БОШЛАБ 96 кунга 7 «Э», 90, 34 «Э»-йўналишлардаги автобуслар ва 12-йўналишдаги микроавтобуслар ҳаракати Оқтепа майдонидан бошлаб бир йўналишда: Есенин, Алимов, Аносов кўчалари бўйлаб ва у ёғига ўз йўналишлари бўйича ташкил этилади. Орқага қайтишда автобуслар ва микроавтобус йўналишлари ўзгаришсиз қолаверади.

34-82-89, 34-82-87 телефонлари орқали қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Мунис кўчаси бўйлаб Куйбишев шоҳ кўчасидан Проектная кўчасигача бўлган участка сув ўтказиш қувури ётқизилиши муносабати билан

15 майдан бошлаб

машина қатнови йўлининг ўнг томони

САККИЗ ОЙГА БЕКИЛАДИ.

Йўлнинг берк вақтида 52, 104-автобус йўналишлари ҳаракати Куйбишев шоҳ кўчасидан бошлаб Ҳалқа йўл, Проектная кўчалари бўйлаб «1-Қўйлиқ даҳаси» автостанциясигача, орқага қайтишда эса автобус йўналишлари ҳаракати ўзгаришсиз қолади, яъни аввалгидек Мунис кўчаси бўйлаб юрилади.

34-82-87, 34-82-89 телефонлари орқали қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ШАҲАР ТРАНСПОРТИ ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ 2-ТОШКЕНТ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

28 МАЙ, 18 ИЮНЬ СОАТ 14 ДАН 17 ГАЧА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Очиқ эшиклар кунига 10-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари, шунингдек мактабни илгари тамомлаган ва тиббиёт билим юртига кириб ўқиш хоҳишини билдирган йигит-қизлар таклиф қилинади.

Ўқувчилар билим юрти кабинетлари ва лабораторияларининг иши, бўлажак ихтисосликлари — ҳамширалик (тиббиёт ҳамшираси), фельдшер (даволаш иши) касби билан танишадилар.

Қўнимгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, Озод кўчаси, Культиваторний проезди 16-уй. (11, 31, 28, 64-автобуслар; 8, 4, 20-троллейбуслар; 7, 15, 16-трамвайларнинг «Марказ—25 квартали» бекати). Телефон: 44-32-25.

ҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, I—II Бутуниттифоқ халқ театрлари фестивалининг лауреати

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ШАҲАР ХАЛҚ ТЕАТРИ

Ўз ижодий фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида

III БУТУНИТТИФОҚ ХАЛҚ ТЕАТРЛАРИ ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ҚОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ДРАМА БЎЙИЧА

ҲАВАСКОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳоҳловчи қиз ва йигитлар театрга ёзилишлари мумкин.

Манзилгоҳимиз: Ҳамза кўчаси, 10-уй.

(1, 18-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).

ХАЛҚ ТЕАТРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

МУСИҚА САНЪАТИ ИХЛОСМАНДЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сизни янги ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги

«НАВРЎЗ» МИЛЛИЙ ВОКАЛ-ҶОЛҒУ АНСАМБЛИ

махсус мусиқа мутахассислигига эга бўлган ёшларни

КОНКУРС ТАРИҚАСИДА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Вокал (2 ўрин), ғижжак, доира, бас гитара; гитара, қонун, орган-синтезатор, ударник.

Бизнинг қўнимгоҳ: Тошкент шаҳри, Киров ноҳияси, Марказ-4, 12-уй, Фурқат номли маданият уйи— «Гўзал» кафеси қаршисида. Телефон: 33-46-41.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Узбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТАШЭКС БИРЛАШМАСИ

малакали ишчи-кадрлар тайёрловчи

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 3 йил);

кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарь, электргаз пайвандчиси, кўприкли кранларнинг машинисти, механика-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 1 йил):

кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ва 2 маҳал иссиқ овқат, 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус группа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтайдилар.

Билим юрти аълочилари имтиёзли шартлар асосида олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўлланма берилади ва автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3x4 см).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

Транспорт: 4, 5, 24-троллейбусларнинг «СПТУ-17»; 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

«КОМПРЕССОР» ва «АГРЕГАТ» заводлари қошидаги

25-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кенг соҳали дастгоҳсоз, газ-электр пайвандловчи, ускуналарни таъмирлаш бўйича слесарь, бўёқчи-сувоқчи, техник-назорат бўлими назоратчиси, «КАМАз» двигателини таъмирлаш бўйича моторчи.

ЎҚИШГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўқиш муддати 3 йил ва 1 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга маошининг 50 фонзи тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Таълим даврида муваффақиятли ўқиган ўқувчилар техника олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб бўлган, Тошкент шаҳри ва унинг ён-атрофида истиқомат қиладиган ўсмирлар «КАМАз» двигатели моторчиси» касбини ўрганишга таклиф қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

Битирувчилар 10-авторемонт заводида 2 йил ишлаб беришлари шарт.

Ҳар ойда 100 сўм миқдорида стипендия тўланади.

Билим юртига кирувчилар директор номига ариза, 9 ёки 11-синфни тугаллаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, характеристика, медицина справкаси, турар жойидан справка топширадилар.

«ФОТОН» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИЗЛАР УЧУН: ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, электрон саноати асбобларини синовчи, электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси;

ЙИГИТЛАР УЧУН: технологик ускуналарни созловчи, радиоэлектрон аппаратураларнинг монтажчиси, кенг профилдаги станокчи.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлган Тошкент шаҳри ва Тошкент области (Калинин, Оржоникидзе, Янгийўл районлари)да яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР — «ярим ўтказгич асбоблар ва интеграл схемаларни йиғувчи», «электрон саноати техника назорати бўлимининг назоратчиси», «электрон саноати асбоблари синовчи» ихтисосликлари бўйича ўқиётган қизлар учун группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқувчиларга ойига 77 сўм стипендия тўланади. Билим юртини тамомлагач ўқувчиларга эгаллаган касби бўйича малака оширганлик ҳақидаги диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тамомлагач уларга касб эгаллаганлиги ва ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

Таълим даврида ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар имтиёзли шартлар билан олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Билим юрти ўқувчиларни информатика ва ҳисоблаш техникасига ўқитиш учун «КУВТ-86» ҳисоблаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолғу ансамбли, самбо секцияси, радио ва техника ижодиёти тўгараклари ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8-дона фотосурат (4 дона — 3x4, 4 дона 4x5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин райони, Весна кўчаси (5, 12, 68в, 183-автобусларнинг «Узбум» бекати; 1, 5, 26 трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-51.

ЯРМАРКАГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

«УЗАГРОСНАБРЕМОНТ» «УЗАГРОКООПСНАБ» кооперативи билан биргаликда

25—26 МАЙ КУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР давлат агросаноат комитетларининг агротаъминот бошқармалари иштирокида ортиқча ва фойдаланилмай ётган мол-мулкий бойликларни сотиш бўйича

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Корхоналар, колхоз ва совхозларнинг, кооперативларнинг раҳбарларини, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларни ярмаркада иштирок этгани таклиф қиламиз.

Маълумотларни 44-63-94, 44-51-69 телефонлари орқали олиш мумкин.

«УЗАГРОКООПСНАБ» КООПЕРАТИВИ.

«ЗЕНИТ-7» фирмали техно-савдо маркази

(Чехов кўчаси, 10)

МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН БАРЧА ТУРДАГИ СОВУТГИЧЛАРНИ ТЕЗ РЕМОНТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Созлаш ишлари икки кунда бажарилади.

Уруш ногиронлари ва қатнашчиларига имтиёз бор: созлаш ишлари буюртма берилган куни бажарилади.

Буюртмалар якшанба ва душанбадан ташқари ҳар куни 54-26-56 телефони орқали қабул қилинади.

Магазин соат 10 дан 19 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача.

Транспорт — метро, «Ойбек» станцияси.

«ЗЕНИТ—7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарларга эга бўлган Авиасозлар маданият саройининг

«САМО» АНСАМБЛИ

бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 16.00 дан маданият саройининг 2-қавати, 90-хонасида қабул қилинади.

Маконимиз: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 54, 6-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати, Метронинг «Чкалов» станцияси). Телефон: 96-55-81.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗ. БЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/V да **Евгений Онегин**, 16/V да **Уйғуда.** даги гўзал.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗ. БЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 16/V да **Мушкул савдо.**

КИНО

15 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 18.30, 21).

Нунус — «ЗИТА ВА ГИТА» (16, 20.45); «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (18.30).

К. Ёрматов номли — «ЛИФТДАН ЧАП ТОМОНДА» (тоқ соатларда).

М. Шайхзода номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида 17.20).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТАЗЙИҚ ОСТИДА» (17, 19, 21).

16 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 13.30, 16, 18.30, 21).

Нунус — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 16, 20.45); «ҲАҚҒЎЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ» (13.30, 18.30).

К. Ёрматов номли — «ЛИФТДАН ЧАП ТОМОНДА» (тоқ соатларда).

М. Шайхзода номли — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида 11, 14, 17, 20).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ТАЗЙИҚ ОСТИДА» (11, 13, 15, 17, 19, 21).

241-МАКТАБ

ЭКСТЕРНЛАР УЧУН ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА ВА ЎРТА МАКТАБ ПРОГРАММАСИ АСОСИДА ЎЗБЕК ТИЛИДА

КУЙБИШЕВ ва КИРОВ районлари ўқувчилари имтиҳон топшириш учун тўлиқсиз ўрта мактаб курси бўйича 16 ёшдан кам бўлмаган, ўрта мактаб курси бўйича 18 ёшдан кам бўлмаган шахслар киритилади.

АРИЗАЛАР 1990 ИИЛ 25 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қўнимгоҳ: Тошкент-77, Национальная кўчаси, 1-уй, телефон: 67-28-18.

Андижон педагогика билим юрти томонидан **Мамадалиева Манзура** номига берилган ВТ-1 494827 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шаҳрисабз район, А. Қодирий номли 50-мактаб томонидан **Норов Комил Омонович** номига берилган 094525 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Н. К. Крупская номидаги Тошкент мактабгача тарбия педагогика билим юрти томонидан **Толипова Фотима Игамбердиевна** номига берилган 837617 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус милиция мактаби томонидан **Ризақулов Убайдулла Мухторович** номига берилган ГТ—1 207777 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

8-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Норов Комил Омонович** номига берилган 297103 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекбирлашув» жумҳурият улгуржи савдо базаси жамоаси товаршунос А. Азимовга онаси

Уктам Маҳмудовна МАҲСУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Октябрь ноҳия ошхоналар тресті жамоаси «Октябрь» қаҳвахонаси директори А. Эгамбердиевга рафиқаси

Ёқутхон Ҳакимовна ЭГАМБЕРДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

1-уй-жой қурилиш комбинати 26-бошқармасининг жамоаси шу бошқарма планлаштириш бўлими бошлиғи А. К. Қамбаровага умр йўлдоши

Адҳам ҚАМБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 02766.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.